

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ФАКУЛЬТЕТИ
«ЗООТЕХНИЯ» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

“Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш”
кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН ”

«Қишлоқ хўжалигини
механизациялаш» факультети
Декани, доцент
_____ Абдуллаев Д. А.
“ ” _____ 2014 й.

“Ҳимояга рухсат этаман”

кафедра мудири, доцент
_____ Мирзаев И.Ғ.
“ ” _____ 2014 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: **Андижон вилояти, Избоскан туманидаги “Пойтуғ сут
булоғи” наслчилик фармер хўжалигида четдан келтирилган сигирлар
сут махсулдорлигини қиёсий ўрганиш.**

Ишни бажарувчи:

АБДУЛЛАЕВА ГУЛНОРАХОН

Иш раҳбари: ассистент

О. З. ЖАВХАРОВ

Андижон - 2014 йил

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

(Олий ўқув юрти)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

«ЗООТЕХНИЯ» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

4-босқич 2-гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири, доцент _____ И.Ғ.Мирзаев
«13» январ 2014 йил.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____ Абдуллаева Гулнораҳон

(фамилияси, исми, шарифи)

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: Андижон вилояти, Избоскан туманидаги “Пойтуғ сўт бўлоғи” наслчилик фармер хўжалигида четдан келтирилган сигирлар сўт маҳсулдорлигини қиёсий ўрганиш. Кафедра мажлисида маъқулланган. «__» январ 2014 йилдаги №_- Ст рақамли ректорни буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишни топшириш муддати 15 май 2014 йил

3. Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар Ишлаб чиқариш амалиёти материаллари, норматив адабиётлар, Қорамолчилик ва Ҳайвонларни озиқлантириш технологияси фанларига оид ўқув-илмий адабиётлар

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) 1. Кириш 2. Адабиётлар шарҳи 3. Хўжаликнинг табиий – иқтисодий тафсилоти 4. Асосий қисм (тажриба натижалари). 5. Иқтисодий қисм. 6. Меҳнат муҳофазаси. 7. Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги 8. Хулоса ва таклифлар 9. Адабиётлар рўйхати.

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

Презентация жадваллари:

1 – жадвал. Тажриба учун ажратиб олинган соғин сигирларнинг дастлабки кўрсаткичлари.

2 – жадвал. Назорат гуруҳидаги соғин сигирларни озиқлантириш рақими.

3 – жадвал. Тажриба гуруҳидаги ҳайвонларни озиқлантириш рақими.

4 – жадвал. Тажриба давомида соғин сигирлар учун сарфланган озуқалар миқдори.

5 жадвал. Тажриба давомида ўтказилган назорат соғими ва ёғлилик даражаси кўрсаткичлари

6 – жадвал. Тажриба учун ажратилган соғин сигирларнинг солиштирма маҳсулдорлик кўрсаткичлари

7 – жадвал. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи (лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш.	Имзо	Сана
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги</i>	<i>Т.Ф.Н. доцент Қосимов К. З.</i>		

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.	<i>Кириш</i>	29.01.14	
2.	<i>Адабиётлар шарҳи</i>	15.02.14	
3.	<i>Хўжаликнинг табиий – иқтисодий тавсифи</i>	20.03.14	
4.	<i>Асосий қисм (тажриба натижалари)</i>	30.03.14	
5.	<i>Иқтисодий қисм</i>	01.05.14	
6.	<i>Хаётини фаолият хавфсизлиги</i>	05.05.14	
7.	<i>Хулоса ва таклифлар</i>	10.05.14	
8.	<i>Адабиётлар рўйхати</i>	12.05.14	

Битирув малакавий иши раҳбари: _____ **ассистент, О.З.ЖАВХАРОВ**
(имзо) (Фамилияси, исми, шарифи.)

Топшириқни бажаришга олдим: _____ **АБДУЛЛАЕВА ГУЛНОРАХОН**
(имзо) (Фамилияси, исми, шарифи.)

Топшириқ берилган вақти «13» январ 2014 йил

I. КИРИШ

Республика халқ хўжалигининг барча соҳаларида шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган чорвачиликда ўтказилаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларни кўрсатмоқда. Бунга мисол қилиб маҳсулотларнинг асосий қисми шахсий ёрдамчи хўжаликларда етиштирилаётганлигини келтириш мумкин. Бинобарин, ҳозирда ташкил этилган фермер хўжаликларини илмий ва амалий тавсиялар билан таъминлаш, уларни рентабеллик хўжаликларга айлантириш соҳанинг истиқболини белгилайди. Чунки кейинги беш йилда чиқарилган фармон ва қарорлар айнан шу мақсадга қаратилган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»** ги ПҚ – 308 – сонли ва 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»** ги ПҚ – 842 – сонли қарорлари чорвачиликни бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантириш борасида катта имконият яратди.

Ўзбекистонда қорамолчилиқни жадал ривожлантиришда унинг наслчилиқ базасини мустаҳкамлаш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу борада республикада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон республикаси ҳукумати яратган имтиёзли шароитлар асосида хорижий давлатлардан кўп сонли яхшиловчи зотларни тана ва ғунажинларини импорт қилишга эришилди. 2006-2010 йилларда амалга оширилган дастурлар натижасида республикага фермерлар томонидан 17561 бош турли яхшиловчи зотларга хос бўлган наслдор тана ва ғунажинлар олиб келинган.

Кейинги уч йилда олиб келинган молларни ҳам қўшиб хисоблаганимизда уларнинг сони 30 минг бошдан ошиб кетди. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра импорт қилинган моллардан олинган авлодлар сони 2006-2010 йилларда 26064 бошни ташкил қилган.

Ушбу насли моллар наслчилик базасини такомиллаштиришда улкан захира хисобланади. Бу борада импорт қилинаётган молларнинг наслдорлик сифатлари бўйича танлаш, наслчилик заводларини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Импорт қилинаётган молларнинг наслдорлик сифатлари қанчалик юқори бўлса, шунчалик сермахсул бўлагн подалар шаклланади.

Хорижий давлатлардан яхшиловчи зотли ғунажинларни сотиб олишда уларнинг индивидуал наслдорлик сифатига катта эътибор бериб, стандарт талабларига мос келадиган молларни наслчилик ҳужжатлари бўйича танлаш босқичида молларнинг зотига ҳослиги, ривожланиши, тана тузилиш-экстерьерининг келшганлиги, оёғи, туёғи ва конституциясининг мустаҳкамлигига ҳамда бўғозлигининг аниқлигига эътибор бериш лозим. Шу билан бирга, машхур буқа тизимларига ҳос бўлган молларни сотиб олишда мақсадли танлашга эришилади.

Сўнгги вақтларда хориждан 9-10 минг кг сут бериш салоҳиятига эга қиммат нархдаги насли қорамоллар келтирилмоқда, ҳолбуки, Ўзбекистондаги маҳаллий зот таркибида аввал ҳам лактация даврида 8 минг ва ундан зиёд сут берадиган маҳсулдорликка эга сигирлар бор эди. Бироқ юқори маҳсулдор сигирларни харид қилиш билан авваллари дуч келинмаган янги муаммолар юзага келаётганлиги ҳам айтилиши ҳақиқат. Юқори маҳсулдор пода билан ишлаш кўникмаси ва малакаси мавжуд эмаслиги сабабли харид қилинган сигирлар кутилган маҳсулдорликка эриша олмайди ва ўртача 2-2,5 лактацияни яхши ўтказади.

Юқори маҳсулдор сигирлар соғлиғини сақлаш муаммолари сут чорвачилиги ривожланган мамлакатларга нисбатан Ўзбекистонда кескинроқ. Масалан, хорижий олимларнинг маълумотларига кўра, АҚШда 5 йил, яъни

1995-2001 йилларда лактациянинг дастлабки 60 куни мобайнида соғин сигирлар бош сонининг 25% и сафдан чиққан. Сўнгги ўн йилда туққан сигирларнинг 50% и соғлиғи билан боғлиқ муаммога эга — уларда бир-иккита, кўпинча ундан ҳам ортиқ касалликлар қайд қилинади. Ҳаттоки, яхши бошқарув тизимига (озиклантириш, зоогигиена, касалликларни ўз вақтида профилактика қилиш) эга фермаларда ҳам атиги 60% га яқин сигирларгина туғруқдан сўнг тўлиқ соғлом бўлади. Сигирларни даволаш, яроксизга чиқариш (25% гача), сут ва насл ололмаслик билан боғлиқ харажатлар бир йилда бош сонига 350-400 долларга етади.

Маҳсулдорлик даражаси 4,5-5,0 минг килограмм сут илғор технологиялари қўлланилаётган ва илмий назорат йўлга қўйилган маҳаллий зотли сигирлар билан фаолият юритувчи сут чорвачилиги хўжаликлари учун технологик чегарадир. 2006 йилда сут маҳсулдорлиги йилига 5,0 ва ундан ортиқ минг килограмм бўлган сигирлар мавжуд қорхоналар миқдори ортганлиги қайд қилинди. Масалан, 2002 йилда уларнинг сони 14,3% ни, 2006 йилда эса 18% ни ташкил этган. Булар асосан тўлиқ ёки қисман импорт қорамоллар билан ишлайдиган хўжаликлардир. Охирги йилларда ўртача йиллик маҳсулдорлиги 4,8 минг килограмм ва ундан зиёд бўлган хўжаликлар сонини оширишга нисбатан сабъ-ҳаракатлар аниқ намоён бўлмоқда. Ушбу динамиканинг асосини хориждан қорамоллар сотиб олиш ташкил этади.

Ҳозирданоқ айтиш мумкинки, Ўзбекистонда сут ишлаб чиқаришда импорт қорамоллар аҳамияти салмоқли даражада ортиб бормоқда. Шубҳасиз, замонавий технологиялар қўлланилаётган хўжаликларда маҳаллий қорамоллар аҳамияти ортмоқда, лекин қайд қилиш жоизки, бу хўжаликларнинг аксариятида импорт қорамоллар ҳам мавжуд. Амалиёт кўрсатадики, импорт қорамоллар билан ишлашни ташкил этиш баробарида маҳаллий бош сонига ҳам эътибор ортмоқда.

Агросаноат мажмуаси соҳасидаги миллий лойиҳалар бу — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмидир.

Жахонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқариш мамлакатлар ўртасидаги рақобат ва ўзаро муносабатларни кескинлаштирмоқда. 1991-2000 йиллар давомида Ғарбда сут ишлаб чиқариш ўсиши, фермерлар сони ортиши кузатилди, бунинг сабаби эса Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларига маҳсулот етказиб бериш сони ортиши билан изоҳланади. Бироқ 2000-2004 йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш даражаси ортиши билан сут ва сут маҳсулотлари импорти камайди.

Ўзбекистонда бўлгани каби хорижда ҳам ишора қилинган барча жараёнлар асосида иқтисодий механизмлар ётади, улар ҳозирги воқеликка мос ишлаб чиқаришнинг оптимал даражасини шакллантиради.

Қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот бирлиги таннархини камайтириш ишнинг мақсади эмас, балки фойда олиш омили сифатида намоён бўлмоқда. Сут чорвачилигида асосий даромад манбаи сут ҳисобланади (сутчиликка ихтисослашган мажмуаларда 88-90% даромад сут орқали топилади). Сут ишлаб чиқаришда бошқа ихтиёрий ишлаб чиқаришдаги каби, энг аввало, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга харажатларни камайтириш орқали корхоналар рентабеллигини яхшилаш мумкин. Харажатлар ишлаб чиқариш билан пропорционал ўсмайди. Маҳсулдорлик ўсиши билан подани тўлдириб туриш учун тўйинтирилган озиқа ва дори воситаларига харажатлар ортади, лекин маҳсулдорлик бирлигига озиқа харажатлари ҳамда ҳаётий фаолиятни сақлаш харажатлари камаяди. Корхоналар фаолиятида даврий харажатларни оқилона шакллантириш сут ишлаб чиқариш рентабеллигининг бирламчи ва муқаррар омили саналади. Бунда даврий харажатлар тахлили харажатларнинг муаммоли бандлари, такрор ишлаб чиқариш, озиқлантириш, дори воситаларига харажатлар каби чора тадбирлар самарадорлигини аниқлашга имкон беради. Таҳлил натижасида олинган маълумотлар у ёки бу муаммони ҳал этиш учун танланган йўллارни ҳолисона баҳолашга замин яратади.

Хориждан келтирилган қорамоллар билан ишлаш жараёнида хўжалик мутахассислари ҳайвонлар хўжаликка келтирилган кундан бошлаб,

шунингдек, лактациянинг биринчи кунидан уларга жиддий эътибор қаратишлари талаб этилади, чунки бу олинadиган сут миқдори билан боғлиқ, айти шу вақтларда турли туғруқдан кейинги касалликлар клиник пайдо бўлиши эҳтимоли кўпроқ ҳисобланади. Шунинг ҳам ҳисобга олиш лозимки, бир вақтнинг ўзида моддалар алмашинувида бузилишлар ёки меъдран оғишлар юзага келади, бу ҳолатда касалликлар субклиник шаклда кечади ва уларни фақатгина лаборатор биокимёвий таҳлиллар ўтказиш йўли билан аниқлаш мумкин.

Ўз вақтида амалга оширилган профилактика мослаштириш ва соғимлар сонини тез ошириш даврида касаллик боришини камайтиради, қатор ҳолларда эса такрор ишлаб чиқариш, моддалар алмашинуви бузилиши ҳамда қатор бошқа касалликларнинг олдини олади.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Халқимизнинг сифатли сут маҳсулотларига бўлган талабининг йил сайин ортиб бориши, сут йўналишидаги қорамолчиликнинг тобора ривожлантиришни тақозо этади. Маълумки, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ортган сари улар озуқа рационининг сифатига ва тўла қимматлигига талабчан бўладилар. Сутдор сигирлар организмида модда алмашинуви жараёни ўсаётган молниқига ва гўштдор қорамолларниқига қараганда ҳам анча юқори бўлади.

Сутдор сигирлар медада олди бўлмаларида турли хил микроорганизмлар жуда кучли ривожланган бўлиб, уларнинг биомассаси 3 кг (қуруқ модда ҳисобида) гача боради. Бу микроорганизмлар катта қорин, тўр ва қат қоринларда озуқалар таркибидаги мураккаб углеводлар ва протеинларни энг оддий туригача парчалайдилар.

Соғин сигирлар, айниқса, юқори маҳсулдор сигирлар ирсий потенциалини тўлиқ намоён этиши тўла қийматли озиқлантиришга узвий боғлиқ. Кам ёки мувозанатлаштирилмаган ҳолда озиқлантириш юқори ва барқарор сут маҳсулоти олинишини тامينламайди. Сигирларни соғин даврида мувозанатлаштирилган рационлар билан озиқлантириш эса нафақат уларнинг сут маҳсулдорлигини, балки сут таркибидаги ёғ ва протеинлар миқдори ошишини, ўз муддатида қайта бўғоз бўлишини ва ҳаётчанлигининг кўп муддатли бўлишини тامينлайди. Сигирларни соғиш давридаги елинида сут ҳосил бўлиш жараёни 3 фазага бўлинади.

1. Сут маҳсулотининг интенсив ошиб бориши даври.
2. Лактациянинг стабиллашув даври.
3. Лактациянинг пасайиш даври.

Сигирларнинг серсут бўлиш даври нормал ҳолатларда 90-100 кунгача давом этади. Ушбу даврда сут йўналишидаги сигирлар бутун танасини, керак бўлса, ўз соғлиғининг зарарига сут ишлаб чиқаришга бағишлайди. Озуқа рациондаги етишмовчиликларда ва истиёмол учун берилаётган озуқалар тўла ҳазм бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъий назар, ўз организмнинг бор

ресурсларини сут ишлаб чиқаришга қаратади, шунинг оқибатида сигир ўзининг тирик вазнини йўқатади. Шу билан бирга, иммунологик муҳовазаси заифлашади. Бу ҳолат сигирларнинг биринчи туғишида айниқса оғир кечади. Чунки бундай сигирлар озуқа билан оладиган кундалик алмашинув энергиясини нафақат сут ишлаб чиқаришга, балки ўз танасининг ўсиб боришига ҳам сарфлаши керак бўлади. Озуқа таъминотидаги етишмовчиликлар бир ойдан кўп муддатда давом етганда сигирнинг серсут даври қисқариб, шу муддатга суткалик сутини кескин камайтира бошлайди, серсут бўлиш давридаги энг юқори (чўкки) нуқтасига етиша олмайди.

Шу билан бирга, сигир организмидаги модда алмашинув жараёнларида узилиш содир бўлиб, жинсий органлари фаолиятида жиддий ўзгаришлар ва иммун тизимининг заиф бўлишига олиб келади. Натижада сигирда сервис даври ҳам чўзилиб кетади, соғишнинг 2 ва 3- даврларида сутнинг миқдори кескин пасаяди.

Юқорида айтиб ўтилган муммоларни ҳал этиш учун сигирларни туғруқолди ва туғруқдан кейинги даврларида уларнинг озуқа рациона таркибига минерал ва витаминлар ёки соғин сигирлар учун махсус перемикслар ва БВМК, Кауфитни, энергияга бой, оксилли қўшимчалар қўшиб берилади.

Лактациянинг иккинчи даврида озиқлантириш ишлари талаб даражасида таъминланган ҳолатда сигирларнинг бу давридаги бўғозлиги таъминланади ва сут ишлаб чиқаришга қаратилган доминантлиги пасаяди, вазнини йўқотиши тўхтайди. Озуқаларни максимал даражада исътемолад қилиш ва озуқа моддаларига бўлган талабларда мувозанатлашув содир бўлади. Маҳсулдорлик даражаси эса юқоригича сақланади.

Соғишнинг 3 – даври – сигир сути миқдорининг пасайиши гормонал ўзгаришлар, эмбрионнинг интенсив ўсиш даврига тўғри келади. Бу даврда ҳажмли озуқаларга талаб пасаяди. Шу боис рациондаги озуқаларнинг даражаси юқори бўлиши талаб этилади. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу даврда сигирларнинг семизлик даражаси ҳамма вақт назоратда бўлиши талаб

этилади. Сигирларнинг семизлиги бу даврда ўрта ва ўртадан юқори бўлса етарли.

Соғин сигирлар кун давомида клечаткага бой бўлган кўплаб миқдордаги ҳажмдор озуқаларни ошқозон ичак тизимида ҳазм қилишларида меъда олди бўлимларининг ҳиссалари ниҳоятда катта. Бу ердаги микроорганизмларнинг фаолияти учун эса маълум миқдорда рационда канд миқдори бўлиши керак. **А. П. Калашников (1985)** соғин сигирлар рационда канд протеин нисбатини 0,8-1,1:1 тенг, крахмалларнинг қандга бўлган нисбатини эса 1,5:1 тенг бўлиши керак дейди. **(Р. Хамроқулов ва К.Карибаев “Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш” Тошкент 1999й. 156 бет).**

Ю. А. Толоконников (1978) эса учувчан ёғ кислоталарнинг керакли нисбатини ва миқдорини таъминлаш учун канд-протеин нисбати қишки рационда 1,3:1,0, ёзги рационда эса 0,8:1,0 га тенг бўлиши керак дейди. **(Ю.А. Толоконников “Кормеление сельскохозяйственных животных в промышленном животноводстве” Ленинград 1978 г стр. 129).**

Соғин сигирларнинг протеинга бўлган талаби сигирларнинг ёштга ва кунлик сутдорлигига боғлиқ бўлиб, сутдорлик ортиб борган сари ҳар бир озук бирлигига талаб қилинадиган протеин миқдори ортиб боради.

Академик **И. С. Папов** ва бошқа олимларнинг фикрича, катта ёшли сигирлар рационда 1 озук бирлигига тўғри келадиган ҳазм бўлувчи протеин миқдорини 85-100 г. гача камайтириш мумкин экан. Ёш 1-2-3 туғишдаги сигирларда ҳар бир озук бирлигига 100-120 г. дан ҳазм бўладиган протеин тўғри келиши керак. **(Р. Хамроқулов ва К.Карибаев “Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш” Тошкент 1999й. 158 бет).**

Соғин сигирлар рационда тозаланмаган ёғ миқдори ҳам назорат қилинади. Ёғ, сигирлар организмида энергия манбаи сифатидагина эмас, балки бу ёғ кислоталари елин альвеолаларида сутнинг ҳосил бўлишида ва унинг таркибий қисмларини синтезланишида ҳам иштирок этади.

Сигирларни соғлом бўлиши катта ахамиятга эгадир, бунинг учун хайвонларни кун тартиблари йўлга қўйилиши керак. Зоотехния тадбирлар орасида энг кераклиги сигирларни ийдириш ҳеч ийдирилмаган сигирни ийдириш йўли билан сут маҳсулотини 50% га ошириш мумкин. Ийдириш - комплекс зоотехния тадбирлар асосида сигирларни сут беришини потенциал имкониятини очишга айтилади. Комплекс тадбирлар сигирлар туғишига тўғри ташкиллаштириш, тўғри озикланиш массаж, мацион (яйратиш) ва сут маҳсулотини тўғри режалаштириш киради. Сигирни ийдириш назариясини академик **Лискун ва Поповлар** яратган. Кейинчалик уларнинг ишини проф **Шоумян ва Арзуманян** ва hozirда **Логадаев** давом эттирмоқдалар. Сутнинг микдори хар 100 кг массага кўра олинади. Демак 100 кг тирик вазни 800 кг сут бериши керак яхши сигирлар (голиштино фриз). Мўътадил массаси 500-550 кг (шундай сигирларни бўғозлик тезлиги ўртача). (**Р. Хамроқулов ва К.Карибаев “Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиклантириш” Тошкент 1999й. 159 бет**).

Сигирлар тукқач биринчи 3 ойда ийдирилиш керак. Шу ийдириш давомида комплекс зоотехния тадбирлар 100% бажарилиш керак. Сигирларни ийдиришда энг асосий масала маҳсулдорлигини оширишга қарз озика бериши керак. Яни рационга 1,5 –2 озик бирлиги берилади. Сигирлар елинини массаж қилиш керак. Сигирларни сут маҳсулотини ҳисобга олиш ишлаб чиқариш шароитда сигирларни сут маҳсулотини тўғри ҳисобга олиш уларни объектив баҳолашни тaминлайди. Сут маҳсулотини бизда йилида ҳисобга олинади, яъни январда тукқан бўлса, келгуси йил январгача берган сути олинади. Яъни 305 кунда лактация давомида аниқланади.

Кунгабоқарни Ўзбекистоннинг лармикор ўлкаларида кўплаб экилмоқда. Кунгабоқарни силосга 1/3 қисми гуллаган даврига ўрилади. Шу даврда намлиги 85% га етади. Унинг сифатини яхшилаш учун 5-10% қурук похол қўшилади. Силос бостириш технологияси маккажўхори силоси каби бўлади.

Ўзбекистон давлат агросаноат қўмитасининг 20.08.1986 йилги 659 қарорига бинан вилоятлардаги таёрланган озуканинг сифатини текшурувчи агракимёвий лабароториялар малумоти асосида таёрланган силосдаги озукани бирлигини аниқлаш учун хўжалик туман ва вилоятлар миқёсида ҳисоб – китоб ишларини юргизиш учун вақтинча қўлланма ишлаб чиқарилган. **(Р.Хамроқулов ва К.Карибаев “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиклантириш” Тошкент 1999й. 99 бет).**

Ҳозирги даврда силосбоп экинларни қуйидаги фазаларда силосга ўриш тавсия қилинади. Маккажўҳори ва оқ жўҳори донининг сут-мум пишишида, кунгабоқар гуллаганда, судан ўти бошоқ чиқарганда, вика +нўхот+сули аралашмаси пастки шохидаги донининг пишган даврида, соянинг пастки шох япроқлари сарғая бошлаганида. Кузги жавдар бошмоқ чиқара бошлаганда кўп йилик ғалласимонлар бошоқлай бошлаганда, дуккаликлар ғунчалар бошлаганда картошка палаги кавлашдан 10-12 кун олдин, қамиш бош чиқаришдан олдинги даврида силосга ўриши керак. Шу кўрсатилган фазада ўсимликлар максимал миқдорда тўйимли моддаларни ва меторида витаминларни сақлайди. Бу вақтдан олдин ва кеч ўрилса тўйимли моддалари исроф бўлиши мумкин. Ўсимликларнинг силосланиши таркибидаги шакарга ва буффер моддасига қараб аниқланади. Буффер моддаларига-оқсил аминокислата органик кислоталар ишқор тузлар киради. Силосланадиган массада юқоридаги буффер моддалари қанча кўп бўлса шунчалик кўп бўлиши керак. Шунинг учун силосланадиган ўсимликлар таркибига шакарнинг етарли ёки кам эканлиги олдиндан аниқлаш керак.

Проффесор А.А Зубрилин «Шакар минимуми» назариясини яратди. Шакар минимум деб ўсимликлар таркибидаги шакарнинг силос массасида рН нинг 4,2 бўлишини тامينлайдиган минимал миқдорини тушинилади. **(Р.Хамроқулов ва К.Карибаев “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиклантириш” Тошкент 1999й. 96 бет).**

Ўсимликлардаги шакар миқдори ва шакар минимум уларнинг турларига ўсиш фазасига берилган ўғит миқдорида ўриб олиш вақтига ва

тупроқ иқлим шароитларига қараб ўзгаради. Бу эса ҳар бир силосга қўшиладиган ўтлар учун шакар минимум алоҳида аниқлашнинг зарурлигини кўрсатади.

1867-йилда Луи Пастер сут ачитки бактерияларининг сут кислоталарининг яратишни кашф қилди. Бу кислота бактерицидлик хусусиятига эга бўлиб 1-2% ли эритма овқатланиш учун зарарсиз эканлиги аниқланди. Силос массасидаги сут ачитки бактериялари ўсимлик таркибидаги шакардан сут кислотасини яратиб озуқанинг кислоталик даражасини анаэроб шароитида учрайдиган бошқа бактериялар ривожланмайдиган даражага етказди. Шу билан озуқа силосланади ва асралади. **(Р. Хамроқулов ва К.Карибаев “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш” Тошкент 1999й. 94 бет).**

Озуқаларни консервация қилиш хусусиятига сирка кислотаси ҳам эга бироқ унинг миқдори сут кислотасидан 1.5 икки марта кам, ҳамда у ёқимсиз ҳидга эга. Ёғ бактерияларнинг тараққиёти натижасида ёғ кислотаси пайдо бўлиб у озуқага ёқимсиз ҳид беради. Чиритувчи ва ёғ ачиқти бактерияларининг ривожланишини озуқада рН даражаси 4,2-4,3 бўлганда тўхтайди. Шундай қилиб шакарга бой ўсимликларни силосларга унда кўп миқдорда сут кислотаси тўпланиб озуқани чиритадиган ва бузадиган бактерияларининг ривожланишидан асрайди. Акс ҳолда таркибида шакари кам ўсимликларини силосланганда тез орада сут кислотаси тўпламайди. Шунинг учун чиритувчи ёғ ачитки бактерияларининг урчишига қулай шароит яратиб озуқанинг бузилишига олиб келади.

1407-йили И.И. Мечников биринчи бўлиб сут ачитки ва чиритувчи бактериялар орасида қарама қаршилик борлиги тўғрисида ўз фикрини билдирди. Чиритувчи бактериялар билан курашда сут ачитки бактериясидан фойдаланиш мумкинлигини аниқлади. **(Р. Хамроқулов ва К. Карибаев “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш” Тошкент 1999 й. 94 бет).**

Чет мамлакатларида ва Россияда олиб борилган кўп йиллик ишлар натижасида силосланган ўтлар массасида сув ачитки бактериясининг ривожланиши уларда шакарнинг борлигига ўсимликларнинг намлигига ва бошқа омилларга боғлиқ эканлиги аниқланган. Силоснинг сифатли бўлиши массадага сут ачитки бактериясининг миқдorigа эмас сут кислотасини тўплаб озуқанинг кислоталик муҳитини керакли даражадаги етказишга ҳам боғлиқ. Бу даража РН бирлиги билан ўлчанади. Янги ўрилган 65-75% намлигидаги кўк маккажўхорида РН даражаси 5,9 бўлиб, силос бостирилганидан бир неча кун ўтгач озуқанинг кислотали муҳити 4,2-4,0 га эга. Шундай кислотали муҳитда аста секин ачитки бактерияларининг ози ҳам ўлади ва силосланган масса кансервациялаштирилади.

Консерваланган озуқа ўзининг физикавий ва кимёвий хусусиятлари бўйича ширали ва дағал озуқаларга нисбатан кўк ўтларга яқин туради. Чунки уларда хайвонларнинг ривожланиши учун зарур бўлган углеводлар, ёғлар, оксиллар, минерал тузлар ва витаминлар тўлароқ сақланади. **К. Хусановнинг (1972 йил)** маълумотига қараганда кўк бедадан тайёрланган сенажда протеин – 6,9%, кўк бедадан тайёрланган силосда протеин – 2,8% бўлади. **(Р.Хамроқулов ва К.Карибаев “Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш” Тошкент 1999й. 101 бет).**

Ўзбекистон чорвачилик илмий – тадқиқот институти “Қизил шалола” тажриба хўжалигида чумоли ва бензой кислотаси билан беда ва маккажўхори кўк массалари консерваланди. Бунда сифатли озуқаларнинг чиқими 95 – 98%, каротин миқдори, беда силосида 90 – 92% ни ва маккажўхори силосида 78 – 84% ни ташкил этди. Консервант қўшилган силосда тўйимли моддаларнинг ифлосланиши камайди. **(Р. Хамроқулов ва К.Карибаев “Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш” Тошкент 1999й. 106 бет).**

Йирик чорвачилик фермаларида сенажни молларга тарқатиш тўлиқ механизациялаштирилган. Сенаж едириш меъёри хўжаликдаги дағал ва серсут озуқалар миқдorigа қараб белгиланади. Соғин сигирларнинг 100 кг

тирик вазнига яхши силосдан 6 – 7 кг ва сенаждан 5 – 6 кг гача бериш мумкин. Ўртача маҳсулдорликдаги соғин сигирларга (кунига 10 – 15 кг сут берадиган) концентрат озуқадан ташқари рациондаги дағал ва ширали озуқаларнинг хаммасини тўйимлилиги бўйича сенаж билан алмаштирилганда сигирларнинг сутдорлигига ва саломатлигига зиён етмаганлиги хақида **Г.А.Богданов (1990 й)** хабар қилади. **(Р. Хамроқулов ва К.Карибаев “Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш” Тошкент 1999й. 161 бет).**

III. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ, ИЗБОСКАН ТУМАНИДАГИ “ПОЙТУҒ СУТ БУЛОҒИ” НАСИЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАБИИЙ – ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ.

Андижон вилояти, Избоскан туманидаги “Пойтуғ сут булоғи” насилчилик фермер хўжалиги 2005 йил ташкил этилган. Фермер хўжалиги Шахрихон тумани билан чегарадош. Фермада 301 бош қорамол билан иш бошлаган. Айни пайтда фермада манзара таъмомила ўзгарган. Кунига ёғлилик даражаси 4,5% дан кам бўлмаган 1100 кг гача сут соғиб олинмоқда. Бир бош сигирдан ўртача 12,5 кг сут тўғри келмоқда. Насилчилик ишларини тўғри йўлга қўйилганлиги учун юқори махсудор сигирларнинг сони ортиб бормоқда. Жорий 2012 йилда ҳар 100 бош сигирдан 102 тадан соғлом бузоқ олинди. Ҳозирда сигирлар гуруҳига ўтказиш учун 50 бош ғунажин алоҳида парваришланмоқда. “Пойтуғ сут булоғи” насилчилик фермер хўжалигини чорва хайвонларининг умумий бош сони динамикаси, ердан фойдаланиш, ҳосилдорлик ва махсуддорлик кўрсаткичлари қуйдаги жадвалларда акс эттирилган.

1-жадвал

Андижон вилояти, Избоскан туманидаги “Пойтуғ сут булоғи” чарвачилик фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларнинг умумий бош сони динамикаси

Т/р	Ҳайвон турлари	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2013 йил 2011 йилга нисбатан, %
	Қорамоллар бош сони	бош	457	418	305	66,7
	Шу жумладан:	-	-	-	-	-
1.	Сигирлар	бош	245	221	127	51,8
2.	Наслли буқалар сони	бош	1	1	1	100,0
3.	Қўйлар	бош	524	556	587	112,0
4.	Ўйилқилар	бош	10	13	15	150,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йил давомида фермер хўжалигида қорамоллар бош сони кескин ортиб борган. Жумладан,

соғин сигирлар 2011 йилда 245 бошни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 221 бошга етказилган, бу 2011 йилга нисбатан 51.8% ни ташкил этади. Наслли буқалар сони 2011 йилда 1 бош бошилган бўлган бўлса, 2013 йилда 1 бош бўлган, яъни 2011 йилга нисбатан 200% га тенг бўлган. Хўжалик шу йилдан бошлаб тумандаги ва вилоятдаги барча чорвачилик фермер хўжаликларига насл сифати юқори бўлагн қорамоллар уруғини етказиб беришни мақсад қилиб иш олиб бормоқда. Умуман олганда ҳайвонларнинг бош сонини бундай кескин кўтарилишига асосий сабаблар, четдан келтирилган моллар ҳисобига ва фермер хўжалигида олиб борилаётган ижобий ишлар самараси ҳисобланади.

Фермер хўжалигида ердан фойдаланиш кўрсаткичларини қуйидаги 2-жадвалда келтириб ўтамыз.

2-жадвал

**Андижон вилояти, Избоскан туманидаги “Пойтуғ сут булоғи”
чарвачилик фермер хўжалигида ердан фойдаланиш кўрсаткичлари**

Т/р	Экин турлари	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2013 йил 2011 йилга нисбатан, %
	Жами хўжалик майдони	га	155,0	155,0	155,0	100,0
	Шу жумладан:	-	-	-	-	-
1.	Ферма майдони	га	9,0	9,0	9,0	100,0
	Экин майдонлари:	га	146	146	146	100,0
	Шу жумладан:	-	-	-	-	-
1.	Эски беда	га	98	98	68	69,4
2.	Янги беда	га	28	28	13	46,4
3.	Маккажўхори силос учун	га	20	20	25	125,0
4.	Хашаки лавлаги	га	2	2	2	100,0
5.	Бир йиллик ўтлар	га	6	6	6	100,0
6.	Оралик озуқа экинлари	га	22	22	22	100,0
7.	Такрорий озуқа экинлари (маккажўхори дон учун)	га	10	10	10	100,0

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалиги учун жами 2013 йилда 155 гектар ер майдони ажратилган бўлиб,

ундан 9 гектарини ферма иншоатлари эгаллаган. 2011 йилда юқори озикавийлик қийматига эга бўлган беда экини 98 гектар майдонга экилган бўлса, 2013 йилга бу майдон ўзгармай қолмоқда. Бу чорва моллари учун қишки озиклантириш мавсумида беда пичани ва беда сенажини кўп миқдорда тайёрланиш имкониятини беради. 2011 йилда маккажўхори дони етиштириш учун жами 51.1 гектар майдон ажратилган бўлса, 2013 йилда 73.6 гектар майдонга маккажўхори экини экилди. Бу 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 144% ни ташкил этади. Озиқавий қизилча 2011 йилда 6 гектар майдонга экилган бўлса, 2013 йилда 22 гектарга экилди. 2011 йилга нисбатан олганда 366% ни ташкил этади. Жами экин майдонлари 2011 йилда 114 гектарни ташкил этган бўлса, туман хокимлигининг буйруғи билан қўшиб берилган ер майдонлари ҳисобига 2013 йилда 166 гектарни ташкил этди. Бу ҳолат фермер хўжалигида озиқа етишмаслиги муаммосини бартараф этишдаги масалани ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Пойтуғ сут булоғи насилчилик фермер хўжалиги 2013 йили Польшадан «Швиц» зотли насилли ғунажинлардан 33 бош олиб келинган. Ўртача тирик вазни 400- 450 кг. Ҳозирги кунда хўжаликда махсулдорликни ошириш учун насилдор моллардан олинган урғочи таналарни ремонт гуруҳи тйёрлаш борасида насилчилик ишлари олиб борилмоқда.

Хўжаликнинг ем хашак базаси дағал, ширали ҳамда донли озиқалардан ташкил топган бўлиб, такрорий экинлардан маккажўхори силос учун экилади.

Чорва ҳайвонларини етарли даражада озиқалар билан таъминлаш учун экин майдонлари етарли. Бу экин майдонларига экинларни етарли миқдорда экиш учун махсус техникалар мавжуд. Чорва ҳайвонларига озиқаларни меъёрида етказиб бериш учун экинларни режа асосида экилади. Қишки мавсумга эса қуритилган дағал озиқалар ва ширали озиқалар жамғармаларга босилиб қўйилади. Экинларни ҳосилдорлигини ошириш мақсадида, экинларни парвариш қилишда етарли миқдорда органик ва минерал ўғитлар

солинади. Экинларни экишда алмашлаб экиш жорий қилинган бўлиб, экинларни касалликларга чалинишини қисман олди олинади.

Фермер хўжалигини экин майдонларидан фойдаланиш ҳолатини куйидаги жадвалда келтириб ўтамыз.

3-жадвал

**Андижон вилояти, Избоскан туманидаги “Пойтуғ сут булоғи”
чарвачилик фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш
ҳолати ва уларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари**

Т/р	Экин турлари	Ўлчов бир- лиги	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
			режа	ҳақиқ	режа	ҳақиқ	режа	ҳақиқ
Ҳосилдорлик								
1.	Эски беда	ц	45	50	50	55	60	65
2.	Янги беда	ц	40	45	45	50	55	60
3.	Маккажўхори силос учун	ц	400	350	400	350	400	450
4.	Хашаки лавлаги	ц	500	420	550	450	500	550
5.	Бир йиллик ўтлар	ц	55	50	60	65	60	65
6.	Оралиқ озуқа экинлари	ц	300	250	350	300	400	450
7.	Такрорий озуқа экинлари (маккажў- хори дон учун)	ц	130	120	150	130	150	170
Ялпи ҳосил								
1.	Эски беда	ц	4410	4900	4900	5390	4080	4420
2.	Янги беда	ц	1120	1260	1260	1400	715	780
3.	Маккажўхори силос учун	ц	8000	7000	8000	7000	10000	11250
4.	Хашаки лавлаги	ц	1000	840	1100	900	1000	1100
5.	Бир йиллик ўтлар	ц	330	300	360	390	360	390
6.	Оралиқ озуқа экинлари	ц	6600	5500	7700	6600	8800	9900
7.	Такрорий озуқа экинлари (маккажў- хори дон учун)	ц	1300	1200	1500	1300	1500	1700

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики экин майдонларидан олинган ҳосилдорлик: Маккажўхори дони 500 центнер режалаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 450 центнерга бажарилган. Такрорий экинлардан 2012 йилда ўртача 450 центнер ҳосилдорлик режалаштирилган, аслида эса бу кўрсаткич 400 центнерга яқунланган. 2013 йилда маккажўхори донидан 550 центнер, такрорий экинлардан 500 центнердан ҳосил олиш режалаштирилмоқда.

Фермер хўжаликда соғин сигирлар учун 0,8 озуқа бирлигига эга бўлган 2012 йили боҳорда ўриб тайёрланган 7 – хил оралиқ экинлари:-яъни, Третикалий, Сули, Перко, Арпа, Буғдой, Рапс, Кўк нўхат уруғлари таркибида 10% донли аралашма ем зерно корнаж (силос) тайёрлаган. Шу юқорида тайёрлаган озуқаларни қиш даврида ёш қора – мол ва сигирларни озуклантиришда фойдаланиб келинмоқда ва бошқа фермер хўжаликларга келишилган шартнома асосида сотмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги қарори» асосида берилган имтиёз эвазига 62 млн сўм фермер хўжалиги ҳисобига келди. Ана шу имтиёз боис чопиқ ва транспорт тракторларига тиркамаларига ҳамда телешкаларга эга бўлди.

Фермер хўжалигида чорвачилик тармоғида ўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда бир нечта турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради ва ушбу ишлаб чиқаришдан келган даромадлар ҳисобига ўзининг иқтисодий базасини мустаҳкамлаб келмоқда. Фермер хўжалигида 2012 йилдаги чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг таннархи 4- жадвалда кўрсатилган.

**Андижон вилояти, Избоскан туманидаги “Пойтуғ сут булоғи”
чарвачилик фермер хўжалигининг маҳсулот ишлаб чиқариш
кўрсаткичлари**

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2013 йил 2011 йилга нисбатан, %
1.	Бузоқ олиш, жами	бош	89	92	94	105,6
	Шу жумладан:	-	-	-	-	-
	100 бош сигирдан	бош	74	76	83	112,2
2.	Маҳсулот ишлаб чиқариш	-	-	-	-	-
	Сут	т	100	102	171	171,0
	Гўшт	т	15,9	16,3	25,0	157,2
3.	Бир бош сигирдан соғиб олинган сут	кг	2824	2750	2810	99,5
4.	Сут маҳсулотини сотиш учун шартнома	т	25	30	35	140,0
5.	Наслли мол сотиш учун шартнома	бош	100	143	150	150,0
	Сотилган наслли моллар	бош	100	143	150	150,0
6.	Наслли буқа уруғи учун шартнома	доза	100	100	150	150,0
	Сотиб олинди	доза	100	100	150	150,0
7.	Уруғлантирилди, жами	бош	100	100	95	95,0
	Шу жумладан:	-	-	-	-	-
	Сунъий	бош	92	90	83	90,2
	Табиий	бош	8	10	12	150,0

Ушбу жадвал маълумотлари хўжаликнинг йиллик иқтисодий кўрсаткичларини белгилайди.

Фермер хўжалигида 2012 йилда 1920.3 центнер сут ишлаб чиқарилган. Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 115261,8 минг сўм сарфланган. Бир килограмм сут ишлаб чиқариш таннари 600 сўмга тўғри келмоқда. Сутни сотишдан олинган пул даромади 153622,4 минг сўм бўлган. Маҳсулот сотишдан олинган соф даромад 38360,8 минг сўмни ташкил этгани холда, рентабеллик даражаси 33.3% га тенг бўлган.

Фермер хўжалигида 2012 йилда 54.8 центнер гўшт махсулоти ишлаб чиқарилган. Махсулотни ишлаб чиқариш учун 60236,0 минг сўм сарфланган. Бир килограмм гўшт етиштириш таннарни 11000 сўмга тўғри келмоқда. Гўштни сотишдан олинган пул даромади 90354,0 минг сўм бўлган. Махсулот сотишдан олинган соф даромад 38360,8 минг сўмни ташкил этгани холда, рентабеллик даражаси 50% га тенг бўлган.

Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, фермер хўжалигида етиштирилган махсулот таннарни юқори бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби озуқа базасини етарли бўлмаганлиги ҳамда кўп сонли чорвачилик фермаларида бажариладиган технологик жараёнлар яъни озуқа хайвонларга беришдан аввал сифатли тайёрлаш, озуқа тарқатиш, гўнг йиғиштириш, сут соғиш асосан қўл меҳнати ёрдамида бажариларди. Бу эса фермадаги ишларни бажариш учун кўп сонли ишчи кучини талаб этади ва олинадиган махсулот миқдорини камайишига ва унинг таннарини ортишига олиб келади. Агар фермер хўжалиги фермасида юқорида кўрсатилган технологик жараёнларни механизациялаштирилса хайвонлар бош сонини ортириш ва уларнинг махсулдорлигини кўпайтириш имконияти яратилади.

IV. ТАЖРИБА ҚИСМИ.

IV.1. ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАЁТГАН ВА УРЧИТИШ УЧУН РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАСНИФИ, БИОЛОГИК ВА ХЎЖАЛИККА ФОЙДАЛИ БЕЛГИЛАРИ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш шароитида халқимиз учун чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, уларнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш жуда муҳимдир.


Бу борада мустаҳкам озиқа базасини яратиш, чорва моллари бош сонини кўпайтириш, мақсадли селекция-наслчилик ишларини янгича юритиш, сут ишлаб чиқаришга, гўшт етиштиришга ихтисослашган замонавий фермаларни барпо этиш, чорвачилик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича илғор хориж технологияларини қўллаш, маҳсулотни замон талаби даражасида сифатли қадоқлаш ва истеъмолчиларга етказиш малакали мутахассисларнинг масъулиятли вазифаларидан ҳисобланади. Шунинг учун, ҳозирги замон мутахассислари ўз касби бўйича чуқур билим эгаси бўлибгина қолмай, балки замонавий янги техника ва технологияларни, механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш ҳамда компьютер техникаларини муаммосиз бошқара оладиган даражадаги етук мутахассислар бўлишлари талаб қилинади.

Ҳозирги вақтда чорвачилик энг сертармоқли соҳалардан бири ҳисобланади, унинг асосий тармоқлари қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик, қуёнчилик, мўйначилик, балиқчилик ва асаларичиликдир.

Чорвачилик тармоқларини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири уларни ихтисослаштириш, йириклаштириш ва марказлаштириш ҳамда (интенсивлаш) жадаллаштиришдир.

Чорвачиликни (интенсивлаш) жадаллаштириш кўп жиҳатдан чорва молларининг маҳсулдорлигига боғлиқ. Шунингдек, наслчилик ва селекция

ишларини такомиллаштириш, янги сермахсул зот ва гуруҳлар яратиш, мавжуд зотларни яхшилаш, дурагайлаш ишларини кенгайтириш, саноат асосида чатиштириш тадбирларини жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.



Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳозирги вақтда соҳада озуқа базасини мустаҳкамлаш, ҳайвонлар бош сонини кўпайтириш ва зотларни яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаларидан ҳисобланган чорвачилик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий тармоғи сифатида у аҳолини қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари: гўшт, сут, ёғ, тухум, асал билан, саноатни эса хом ашё: жун, тери, мўйна, барра тери, пат ва парлар ва бошқалар билан таъминлайди.

Чорвачиликнинг муҳим тармоғи ҳисобланган қорамолчиликнинг ўзи аҳолини озиқ-овқат (гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари),

саноатни эса тери ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашда салмоқли ўринни эгаллайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида, хусусан чорвачиликда муҳим иқтисодий ислохотлар амалга оширилди, жумладан Президентимиз томонидан бир қатор меъёрий қонунлар ва қарорлар қабул қилиниб амалга оширилди. Бу ҳужжатлар қишлоқ аҳолисини ҳаёт фаровонлигини оширишга, ерни асл эгасига беришга қаратилган ва энг асосийси озиқ-овқат масаласини ҳал этишга йўналтирилган.

Шу боис, Президентимиз И.А.Каримовнинг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг қабул қилиниши чорва моллари бош сонини кўпайтириш, аҳолини зотдор, сермахсул, наслдор моллар билан таъминлаш, шунингдек қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш, айниқса эҳтиёжманд оилаларнинг даромадини кўпайтиришда муҳим ўрин тутди.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 40% дан ортиғи чорвачилик соҳасига тўғри келади. Шунини айтиш жоизки, мамлакатимиз бўйича ҳозирда 9 миллионга яқин қорамоллар бўлиб, шунинг 97 фоизи, яъни 8,5 миллиондан кўпроқ қисми шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари улушига тўғри келиб, бу ишлаб чиқарилаётган сут ва гўшт маҳсулотининг 95 фоизини ташкил этади.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришда фермер хўжаликларини сермахсул ва тез етилувчан, сергўшт, табиий-иқлим шароитига тез мослашадиган, турли касалликларга чидамли бўлган ҳайвонлар билан таъминлаш хўжалик раҳбарлари олдида турган асосий вазифалардан

бири ҳисобланади. Бунинг натижасида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган сифатли ва арзон сут ҳамда гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён чорвачиликни ривожлантиришга, чорва маҳсулотларини кўпроқ етиштириш билан бирга уларнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш, моллар туёғини кўпайтириш, наслчилик ишларини яхшилаш, чорвачилик тармоғини жадаллаштириш ва ихтисослаштириш, шунингдек, сутчилик комплекслари ва чорвачилик фермаларини ташкил этиш муҳим вазифага айланган.

Чорвачиликни интенсивлаштиришнинг яна бир муҳим шартларидан бири бу селекция-наслчилик ишини такомиллаштириш туфайли эришиладиган ҳайвонларни сифат томонидан ўзгартиришдир. Зотсиз ва насабсиз ҳайвонлар кутилган маҳсулотни бера олмайди ва уларга қилинган моддий харажатларни ҳам қопламайди.

Чорвачилик соҳасини назарий, теоретик асосини зоотехника фани ташкил этади. ***Зоотехния-бир қатор назарий ва амалий фанлар мажмуаси бўлиб, чорвачиликда хўжалик юритишда ва наслчилик ишларини олиб боришда энг мақбул шакллари аниқлаш ва қўллаш билан ҳайвонлардан мўл, сифатли ва арзон маҳсулот олиш усуллари ўргатади.*** Зоотехния иқтисодий фанлардан иқтисодиёт, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ветеринария, биология, генетика, физиология, зоология, зоогигиена каби фанлар билан чамбарчас боғланган.

Зоотехния умумий ва хусусий қисмларга бўлинади. Умумий зоотехнияга озиклантириш, урчитиш, зоогигиена ва бошқа фанлар киради, улар ҳамма ҳайвонлар учун умумий ҳисобланади. Хусусий зоотехнияга қорамолчилик, қўйчилик ва эчкичилик, чўчқачилик, йилқичилик, паррандачилик, қуёнчилик каби фанлар киради.

Урчитиш фанини мавжуд зотларни сифат жиҳатидан яхшилаш, янада маҳсулдор, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган янги зот ва типларни яратиш ҳақидаги таълимот деб ҳам айтиш мумкин.

Урчитиш фанининг асосий мазмуни ҳайвонларнинг маҳсулдорлик ва насл сифатларини яхшилашга қаратилган узоқ вақтлар мобайнида яратилган, тажрибада синаб кўрилган усулларни қараб, кўриб чиқишдир.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш усуллари катта бир фан сифатида тажрибада ёки экспериментларда ўз тасдиғини топди ва ривожланиши учун янги истиқболлари очилди. Генетика фани зоотехникларга ҳайвонларнинг фойдали хўжалик белгиларини авлоддан-авлодга берилиш қонуниятларини тушунишга, жуфтлашни назарий асосларини англашга, саралашда генотипга мувофиқлик, наслчилик ишида кутиладиган натижаларни башорат қилишга ёрдам берди.

Урчитиш фани аввал завод ёки ҳайвон заводчилиги санъати деб аталган, ҳозирда уни ҳайвонлар селекцияси ёки наслчилик иши назарияси деб ҳам юритилади.

Селекция-инглизча танлаш, урчитиш сўзига синоним сифатида қўлланилиб, танлаш ва саралаш, қариндошчилик чатиштириш, урчитиш усуллари ўргатадиган фан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда сут йўналишидаги қорамол зотларидан қора-ола, қизил чўл, бушуев, қизил эстония, қизил литва, латвия қўнғир, англери, қизил дания, голштин қора-ола, қизил-ола қорамол зотлари, қўшмаҳсулдор йўналишдаги -швиц зоти, гўштдор йўналишдаги -қозоқи оқ бош, абердин-ангусс, санта-гертруда зотлари урчитилади. Маълумотларга кўра Ўзбекистонда урчитилган қорамолларнинг 40 фоизини қора-ола, 29 фоизини қизил зотлар, 22 фоизини қўнғир зотлар, 0,1 фоизини бушуев зоти ва 6 фоизини гўштдор зотлар ташкил қилади.

Республика хўжаликларида кўпайтирилаётган серсут сизирларнинг деярли ҳаммаси бошқа республикалардан турли даврларда келтирилган бўлиб, иссиқ иқлим шароитига анчагина мослаштирилган.

Ўзбекистон Ўрта Осиё республикалари ўртасида салмоқли ўрин эгаллаган бўлишига қарамасдан, асрлар мобайнида ўз маҳсулоти унча юқори бўлмаган ва сўнги вақтларда сони жуда камайиб кетган жайдари-зебусимон

қорамолларни ҳисобга олмаганда бу ерда қорамолнинг фақат битта бушуев зоти бўлган. Бу зотнинг яратилишида жайдари сигирлар четдан келтирилган моллардан қочирилиб, танлаш ва саралаш ишларини маълум режа асосида олиб борилиши натижасида вужудга келган.

Бугунги кунга келиб вилоятимизда кўпайтирилаётган маҳаллий зотларни яхшилаш, маданий зотлар яратиш, шунингдек наслчилик фермер хўжаликларини юқори маҳсулдор, авлоди сифати бўйича баҳоланган букалар уруғи билан уруғлантирилган ғунажинларни четдан олиб келиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан Андижон вилояти туманларида жойлашган наслчилик фермер хўжаликларига 2007 йилдан бошлаб қора-ола зотли ғунажинлар Германия ва Польша мамлакатларидан олиб келинмоқда. Туманларга келтирилган ғунажинлар 2007 йилда 282 бош, 2008 йилда 230 бош, 2009 йилда 408 бош бўлиб, 2011 йилда қора-ола зотдан 182 бош, швиц зотли қора-моллардан 184 бош ва Симментал зотидан 31 бошни ташкил этиб, жами вилоятга 1317 бош ёш ғунажинлар келтирилди. Улардан 2007 йилда 103 бош, 2008 йилда 231 бош, 2009 йилда 472 бош, 2010 йилда 629 бош ва 2011 йилда 1183 бош, жами 2618 бош юқори маҳсулдор чет эл сигирларидан янги авлод олинди. Олиб келинган ғунажинлардан олинган жами бузоқларнинг 50 % урғочи бузоқлар ҳисобланса, уларни тўғри боқиш, асраш ва парвариш қилиш натижасида яқин йиллар давомида вилоятда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини сермахсул ҳайвонлар авлоди билан тўлдириш имконияти яратилади.

Ғунажинларнинг бутун мослашиш даврини тўрт босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқичда Унинг давомийлиги 7 кундан 14 кунгача. Ушбу босқичнинг бунча катта ораликда тебраниши ҳайвонларнинг стрессларга индивидуал таъсирчанлиги билан белгиланади. Ушбу давр мобайнида содир бўладиган ўзгаришлар транспорт стресси билан шартланган. Бу вақтда симпатик нервлар мобиллашади ва буйрак усти безлари ҳамда аденогипофиз гормонлари юқори даражада ажралади. Транспортировка шароитидаги

камчиликлар ёки хўжалигингизга ҳайвонлар жойлаштирилишининг илк кунларидаги стресс вазиятлар юзага келиши натижасида мослашиш касалликлари келиб чиқади. Улар орасида қуйидагилар тез-тез қайд қилинади: ошқознолди гипотонияси, ярали абомазит, миозит ва артритлар. Мазкур касалликлар профилактикаси уларнинг ривожланиш механизмларини яхши билишга асосланган.

Ошқознолди гипотонияси ва абомазит катта қорин ҳазм қилиши бузилиши оқибатида ривожланади. Мутаносиб даволаш амалга оширилмаса, ишора қилинган касалликлар катта қорин **ацидоз**и **кетоз** ва **пододерматит** ривожланишига олиб келади. Катта қорин ва ширдон функциялари бузилишларини профилактика қилиш учун қуйидагилар зарур:

- олиб келингандан сўнг дастлабки 3 соат мобайнида ҳайвонларга туз (50-60 г) ва шакар (150 г) қўшилган илиқ сув (6-8 л) берилади;
- дастлабки 6 соат давомида сувни эркин ичишига йўл қўйилмайди;
- дастлабки уч кун мобайнида ҳайвонлар рационини фақат сомон (яхши сифатли, эркин ҳолатда), сув ва туздан (эркин ҳолатда) иборат бўлади;
- тўртинчи кун катта қорин моторикаси ва ахлат хоссалари баҳоланади. 2 дақиқа давомида катта қорин 4 мартадан кам қисқарса ёки ахлатда сариқ-яшил ёхуд кулранг яшил рангда мойсимон консис-тенция мавжудлиги аниқланса, ишқорни камайтирувчи терапия тайинланади ва айни вақтда лактобациллаларни нейтраллаш учун препаратлар қўлланилади. Фақатгина ишқорловчи терапия қўлланилганда жигар **йиринглари** пайдо бўлиши учун қулай шароит яратади.

Тўртинчи кундан мослаштирувчи озиклантириш бошланиб, унинг вазифаси хўжаликда қўлланиладиган озуқа сифатига мос келувчи катта қорин микрофлорасини шакллантириш ҳисобланади. Бу тадбир мослаштиришнинг биринчи босқичидаги энг муҳим унсур ҳисобланади. **Миозит ва артрит** транспортировка вақтида жароҳатлар оқибати сифатида ривожланади. Артритлар бундан ташқари катта қорин ацидозини оқибати сифатида ҳам пайдо бўлади. Миозит ва артритлар профилактикаси

посттранспорт жароҳатларни ўз вақтида даволашга сабаб бўлади. Кўпинча тери жароҳатлари ва **лимфоэкстровазатлар** қайд қилинади. Улар бевосита қорамоллар ташиб келтирилгандан сўнг, шунингдек, 1 ва 3 кундан сўнг аниқланади. Ўз вақтида даволаш миозит ва артрит каби жиддий асоратлар ривожланишини истисно қилади.

Иккинчи босқич, Мазкур босқичнинг давомийлиги-икки ой бўлиб, бу вақт давомида метаболик мослашув ва муайян жойнинг мутаносиб талабларига иммунитет шаклланиши содир бўлади. Ушбу даврда ғунажинларнинг доимий рационга мослашуви рўй беради. Бунда қон ва озуқа тахлили асосида ҳайвонлар организми талабларига янада тўлиқ жавоб берувчи рацион ишлаб чиқиш тавсия этилади. Бу рацион ғунажинлар хўжаликка келтирилганидан сўнг иккинчи ҳафта мобайнида жорий этилиши лозим. Иккинчи ой охирида унинг мослигини баҳолаш ўтказилади (соғлиққа оид бузилишлар мавжудлигида рацион тахлили аввалроқ ўтказилади). Метаболик мослашув самарадорлигини баҳолаш камида умумий оксил даражаси мочевина ва қондаги фосфор, оксил, кетон жисмлар ва сийдикдаги глюкоза, нейтрал ёғ, крахмал, ахлатдаги эндоген ва экзоген оксил микдорини аниқлаш асосида ўтказилади,

Учинчи босқич, Босқичнинг давомийлиги саккиз ой. Ушбу босқич мобайнида, одатда, барча ҳайвонлар болалайди ва уларнинг аксариятида янги туққанлик даври якунланади. Ушбу давр якунида организмнинг стабил метаболик профили шаклланади, унинг меъёр билан таққослаш имконияти пайдо бўлади (четдан келтирилган ҳайвонлар қон таркибига хос хусусиятларни эътиборга олиш зарур).

Тўртинчи босқич. Бу босқич ўсаётган организм эҳтиёжлари ва боқиш, эксплуатация ва озиқлантиришнинг реал шартшароитлари ўртасидаги мутаносиблик тўлақонлигини акс эттиради. Бу босқич учинчи лактация бошида якунланади. Мослаштиришнинг бу босқичи тўлақонли шаклланиши четдан келтирилган қорамоллар билан ишлашнинг иқтисодий ва биологик самарадорлигини белгилаб беради.

1. Ишлаб чиқариш назорати. Хўжалик шароитида мутахассислар томонидан амалга оширилади. Ишлаб чиқаришни назорат қилиш усуллари ўзлаштирганидан сўнг мутахассислар ўз касбий даражасини янада оширади, моддалар алмашинуви ҳолатини баҳолаш, сақлаш ва озиклантириш шароитларига тузатишлар киритиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш имконига эга бўладилар, ишлаб чиқариш назорати усулларида фойдаланиб моддалар алмашинувида мавжуд бузилишлар ҳақида маълумотлар оладилар. Бироқ ишлаб чиқариш назорати усуллари бузилиш даражаси (меъёрдан четлашиш) ни баҳолаш, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаштириш, шунингдек, вазиятнинг ўзгариш динамикасини баҳолашга имкон бермайди. Ушбу ҳолатда лаборатория тадқиқотлари энг муҳим аҳамият касб этади. Бунда экспресс баҳолаш (каттакорин ҳазм қилиши) ни талаб қилувчи қатори метаболик жараёнларга эга бўлади. Шунингдек, уларни саралашдан кейин (моно озуқа, кальций ва бошқалар) дастлабки дақиқалардан таҳлил талаб қилувчи айрим биологик субстратлар ҳам юзага келади. Бу "ишлаб чиқариш (дала) лабораториялари" ёрдамида олиб бориладиган ишлаб чиқариш лаборатория тадқиқот методларидир.

2. Дала лабораториялари ёрдамида олиб бориладиган тадқиқотлар мониторингнинг иккинчи даражасидир. Бунда олинадиган натижалар ўз аҳамиятига кўра бетакрордир, чунки уларда ишлаб чиқариш шароитида тадқиқотлар оперативлиги, тадқиқ этилаётган бош сонининг кенг қамраб олиниши, демакки, нисбатан катта ишончлилиқ, субстратлар ва тез ўзгарувчанликни тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш имкони уйғунлашади.

3. Стационар лабораториялардаги тадқиқотлар. Мазкур тадқиқотларнинг асосий вазифаси моддалар алмашинуви ва иммун тизими ҳолатини изчил баҳолаш, юқумли касалликлар қўзғатувчиларининг айланувчан кўлами ва уларнинг тавсифини белгилаш ҳисобланади.

IV.2. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ, ИЗБОСКАН ТУМАНИДАГИ «ПОЙТУҒ СУТ БУЛОҒИ» НАСЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ШАРОИТИДА ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАН СИГИРЛАРНИ БОҚИШ, АСРАШ ВА ПАРВАРИШЛАШ.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларни меъёрга озиклантиришни ташкил қилишдан асосий мақсад озиклантиришни туғри йўлга қўйиш билан саломатлигини сақлаб, такрор ишлаб чиқаришни таъминланган ҳолда, ҳайвонларнинг генетик имкониятларини амалга оширишдан иборатдир.

Озиклантиришни туғри йўлга қўймаслик яъни етарлик даражада озиклантирмаслик натижасида ҳайвон организми ўсиш ва ривожланишидан орқада қолиб, кўзда тутилган маҳсулот миқдори ва сифати пасайишга сабаб бўлади, организмнинг иммунитетини пасайиб тарли ҳил касалликларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Бундан ташқари хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичларига ҳам кескин таъсир кўрсатади.

Юқори сифатли силос сигирларнинг сутдорлигига, сут ёғи, пишлоқ ва бошқа маҳсулотларга ижобий таъсир ўтказади. Силослаш жараёни қисқа муддатларда кўпи билан 5-7 кун муддатда ўтказилишини таъминлаш лозим. Чунки масса таркибидаги сут ачитки бактериялари ўсимлик таркибидаги шакардан сут кислотасини яратиб, озикнинг кислоталик даражасини анаэроб шароитида урчидиган бошқа бактериялар ривожлана олмайдиган даражага етказади. Шу билан озика силосланади ва яхши асралади. Акс ҳолда массадаги ёғ бактерияларининг тараққиёти натижасида ёғ кислотаси пайдо бўлиб, у озикага ёқимсиз хид беради ва массанинг сифатини бузади.

Хўжаликларда мавжуд бўлган траншеялари ва ўраларни силос бостиришдан 10-12 кун олдин таъмирлаш, тозалаш ва дезинфекциялаш ишларини амалга ошириш зарур. Ўзбекистон шароитида асосан маккажухори, оқ жухори ва кунгабокарлардан юқори сифатли силослар тайёрланади. Силослаш учун қулай намлик 65-70% ҳисобланади. Бу маккажухорининг сут пишиш давридан сут – мум пишиш даврига ўтиш тўғри келади. Бу давр 10-15 кундан узоққа чўзилмайди.

Ҳозирги даврда силос боб экинларни қуйидаги фазаларда силосга ўриш тавсия қилинади. Маккажўхори ва оқ жўхори донининг сут-мум пишишида кунгабоқар гуллаганда судан ўти бошмоқ чиқарганда вика +нўхот+сули аралашмаси паски шоҳидаги доннинг пишган даврида сўянинг пастки шапёк япроқлари сарғая бошланади. Кузги жавдар бошмоқ чиқара бошлаганда кўпйилик ғалласимонлар бошоқлай бошлаганда дуккаликларе ғунчалар бошлаганда картошка палаги кавлашдан 12 кун олди камиш бош чиқаришдан олдинги даврида силосга ўриши керак. Шу кўрсатилган фазада ўсимликлар максимал миқдорда тўйимли моддаларни ва меторида витамин;арни сақлайди.

Қуйида биз фермер хўжалигидаги соғин сигирларни қиш даврида озуклантириш рационини келтириб ўтамыз.

5-жадвал

Андижон вилояти, Избоскан туманидаги «Пойтуғ сут булоғи» наслчилик фермер хўжалигида четдан келтирилган соғин сигирларни қиш даврида озуклантириш рацион.

Т/р	Ем – хашак тури	Озиқа таркибида мавжуд					
		Миқдори	Озиқа бирлиги	Хазмланувчи оксил	Кальций	Фосфор	Каротин
		Кг	кг	гр	гр	гр	мгр
1	Беда пичани	3	1,32	303	51	6,6	147
2	Маккажўхори силоси	20	4.2	240	30	10	280
3	Беда сенажи	4	1.4	232	34.5	4	84
4	Қизилча	6	0,84	60	2,4	3	-
5	Пахта кунжара	2	2,3	662	5,6	3,2	2
6	Буғдой кепаги	1	0,71	126	1,8	10,2	4
7	Ош тузи	0,50	-	-	-	-	-
	Жами:	36	10.77	1623	125.3	37	517

Ушбу жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики соғин сигирлар учун 1 кунлик жами озиқа сарфи 36 килограмм бўлиб, унда дағал озиқалар миқдори 8 % ни, ширали озиқалар миқдори 83 % ни ва концентрат (кучли) озиқалар миқдори эса 7 % ни ташкил этмоқда. Рационнинг умумий тўйимлилиги 10,77

озиқа бирлигига тенг бўлиб, беда пичани 3 килограмм берилгани холда тўйимлилиги 1.32 озиқа бирилигига тенг бўлган. Қорамолларга бир кунда 20 килограмм маккажўхори силоси, 4 килограмм беда сенажи ва 6 килограмм кизилча берилмоқда ва уларнинг тўйимлилиги 4.2, 1.4 ва 0,84 озиқа бирликларини ташкил этмоқда. Хўжаликда қорамолларни озиқлантиришда кучли озиқалардан пахта кунжараси (2 килограмм, тўйимлилиги 2,3 озиқа бирлиги), ва буғдой кепаси (1 килограмм, тўйимлилиги 0,71 озиқа бирлиги) дан фойдаланиб келинмоқда. Рациондаги барча озиқалар таркибидаги хазмланувчи протеин 1623 грамм, кальций миқдори 125.3 грамм, фосфор миқдори 37 грамм ва каротин эса 517 миллиграммни ташкил этган.

Бу вақтдан олдин ва кеч ўрилса тўйимли моддалари исроф бўлиши мумкин. Усимликларнинг силосланиши таркибидаги шакарга ва буффер моддасига қараб аниқланади. Буффер моддаларига-оксил аминокислата органик кислоталар ишкор тузлар киради. Силосланадигон массада юқоридаги буффер моддалари канча кўп бўлса шунчалик кўп бўлиши керак. Шунинг учун силосланадиган ўсимликлар таркибига шакарнинг етарли ёки кам эканлиги олдиндан аниқлаш керак.

Қуйида биз фермер хўжалигидаги соғин сигирларни ёз даврида озиқлантириш рационини келтириб ўтамыз.

6-жадвал

Андижон вилояти, Избоскан туманидаги «Пойтуғ сут булоғи» наслчилиги фермер хўжалигида четдан келтирилган соғин сигирларни ёз даврида озиқлантириш рацион.

Т/р	Ем – хашак тури	Озиқа таркибида мавжуд					
		Миқдори	Озиқа бирлиги	Хазмланувчи оксил	Кальций	Фосфор	Каротин
		Кг	кг	гр	гр	гр	мгр
1	Кўк беда	30	5.1	1200	141	21	420
2	Буғдой сомони	10	2,0	180	56	16	-
3	Пахта кунжара	2	2,3	662	5,6	3,2	-
4	Буғдой кепаси	1	0,71	126	1,8	10,1	4
5	Ош тузи	0,50	-	-	-	-	-
	Жами:	43	10.11	2168	204.4	29.3	424

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики соғин сигирлар учун 1 кунлик жами озиқа сарфи 43 килограмм бўлиб, унда дағал озиқалар миқдори 23%ни, ширали озиқалар миқдори 70%ни ва концентрат (кучли) озиқалар миқдори эса 7%ни ташкил этмоқда. Рационнинг умумий тўйимлилиги 10.11 озиқа бирлигига тенг бўлиб, кўк беда 30 килограмм берилгани холда тўйимлилиги 5.1 озиқа бирилигига тенг бўлган.

Буғдой сомони миқдори 10 килограмм бўлган бўлса, тўйимлилиги 2,0 озиқа бирлигини ташкил этган. Хўжаликда ёз даврида ҳам қорамолларни озуклантиришда кучли озиқалардан пахта кунжараси (2 килограмм, тўйимлилиги 2,3 озиқа бирлиги), ва буғдой кепаси (1 килограмм, тўйимлилиги 0,71 озиқа бирлиги) дан фойдаланиб келинмоқда. Рациондаги барча озиқалар таркибидаги хазмланувчи протеин 2168 грамм, кальций миқдори 204.4 грамм, фосфор миқдори 29.3 грамм ва каротин эса 424 миллиграммни ташкил этган.

Хўжаликда бўрдоқига боқилаётган қорамолларни озуклантириш рационни юқоридаги рационлардан умуман фарқ қилади. Уни биз қуйидаги жадвал мисолида кўриб ўтишимиз мумкин.

7-жадвал

Андижон вилояти, Избоскан туманидаги «Пойтуғ сут булоғи» наслчилиқ фермер хўжалигида боқувдаги ҳайвонларни озуклантириш рационни.

Т/р	Ем – хашак тури	Озиқа таркибида мавжуд					
		Миқдори	Озиқа бирлиги	Хазмланувчи оксил	Кальций	Фосфор	Каротин
		Кг	кг	гр	гр	гр	мгр
1	Буғдой сомони	14	2,8	252	78,4	22,4	-
2	Пахта шелухаси	6	1,32	96	40,8	59	-
3	Пахта кунжара	2	2,3	662	5,6	3,2	-
4	Буғдой кепаси	3	2,13	378	5,4	30,3	12
5	Буғдой бардаси	10	0,6	230	26,3	4,8	-
6	Ош тузи	0,60	-	-	-	-	-
	Жами:	35	9,15	1618	156,5	120	12

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики бўрдоқиланаётган қорамоллар учун 1 кунлик жами озиқа сарфи 35 килограмм бўлиб, унда дағал озиқалар миқдори 17%ни, ширали озиқалар миқдори 29%ни ва концентрат (кучли) озиқалар миқдори эса 54%ни ташкил этмоқда. Рационнинг умумий тўйимлилиги 9,15 озиқа бирлигига тенг бўлиб, буғдой сомони буғдой бардаси билан аралаштирилиб берилганда, миқдори 24 килограмм бўлган бўлса, тўйимлилиги 3,4 озиқа бирлигини ташкил этган. Хўжаликда ёз даврида ҳам, киш мавсумида ҳам бўрдоқидаги қорамоллар рационига кам ўзгартириш киритилади ва қорамолларни озуклантиришда кучли озиқалардан пахта кунжараси (2 килограмм, тўйимлилиги 2,3 озиқа бирлиги), ва буғдой кечаги (3 килограмм, тўйимлилиги 2,13 озиқа бирлиги) да боқиб келинмоқда.

8-жадвал

Андижон вилояти, Избоскан туманидаги «Пойтуғ сут булоғи» наслчилиқ фермер хўжалигидаги қорамолларни йиллик озиқага бўлган талаби.

Т/р	Ем – хашак тури	Бокиладиган хайвонлар сони	Боқиш даври	Кунлик озиқа сарфи	Жами озиқа сарфи	Озиқа таркибида мавжуд	
		бош	кун	кг	ц	кг	кг
1	Ёғли сут	35	365	5	639	4345,2	42174
2	Кўк беда	325	155	78	53235	958230	207616,5
3	Маккажўхори силоси	325	155	25	12594	251880	17631,6
4	Беда сенажи	285	155	20	10075	352625	71532,5
5	Қизилча	285	155	12	5301	53010	9541,8
6	Беда пичани	285	155	10	4418	1944	44180
7	Буғдой сомони	325	365	55	65244	13048,8	32622
8	Пахта шелухаси	40	365	6	876	19272	1401,6
9	Буғдой бардаси	325	365	60	71175	427050	163702,5
10	Пахта кунжараси	325	365	8	9490	1043900	302731
11	Буғдой кечаги	325	365	10	11863	842273	149473,8
12	Омихта ем	35	365	4	511	49056	5621
	Жами:	х	х	х	х	4016634	1048228,3

“Пойтуғ сут булоғи” хўжалигининг пода таркиби асосан корамоллардан таркиб топган. Бу хўжалик чорва махсулотларидан асосан сут ишлаб чиқаради. Шу билан биргаликда қисман гўшт махсулоти ҳам етиштирилади. Пода таркибини тўлдириш учун фермер хўжалиги ҳар 100 бош соғин сигирдан йилига ўртача 85-87 % дан бузоқ олиб келмоқда.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йил давомида бузоқлар учун ичириладиган ёғли сут миқдори ҳар бир бошга 5 килограммдан ҳисобланганда 639 центнер сут талаб қилинади. Дағал озиқалардан беда пичани ҳар бошга 10 килограммдан сарфланганда жами 4418 центнер, буғдой сомони ўртача 55 килограммдан сарфланса жами 65244 центнер, пахта шелухаси 6 килограммдан жами 876 центнер дағал озиқалар талаб қилинмоқда. Ширали озиқалардан маккажўхори силоси ҳар бошга 25 килограммдан сарфланса жами 12594 центнер, беда сенажи 20 килограммдан жами 10075 центнер, қизилча 12 килограммдан жами 5301 центнер, буғдой бардаси 60 килограммдан жами 71175 центнер, жами ширали озиқалардан 99145 центнер талаб қилинмоқда.

Шунингдек концентрат (кучли) озиқалардан пахта кунжараси ҳар бошга 8 килограммдан ҳисоблаганда жами 9490 центнер, буғдой кепаси 10 килограммдан жами 11863 центнер ва бузоқлар учун омехта ем 4 килограммдан жами 511 центнер, жами кучли озиқалардан 21864 центнер талаб этилмоқда. Ёз мавсумида озуклантириш учун хўжаликда кўк бедадан фойдаланилади, бу озиқани ҳар бир бош ҳайвонга ўртача 78 килограммдан сарфланса жами мавсум давомидаги талаб 53235 центнер бўлади. Фермер хўжалигининг йиллик озиқага бўлган талаби 245421 центнерни ташкил этмоқда. Жами озиқанинг умумий тўйимлилиги 4016634 озиқа бирлигига тенг бўлиб, ундаги жами хазмланувчи протеин миқдори 1048228,3 килограммни ташкил этади.

Хўжаликда озиқалар турлича бўлиб, ҳозирги кунда бу хўжалик вилоятдаги илғор хўжаликлардан ҳисобланади. Фермер хўжалиги асосан наслчилик ишлари билан шуғуллангани ҳолда, давлатга сут ва гўшт

махсулотлари ҳам етказиб беради. Хўжаликда қорамолларни боқишда озиқаларни тўйимлилиги ва уларнинг кимёвий таркибларига тўла эътибор қилинмайди. Озуқлантириш шароитларни бир хил меъёрга келтирилса ва уларнинг тўлақимматлилигига эътибор қилинса бу хўжаликда турли махсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг сифатлилик даражаси янада кўтарилган бўлар эди.

IV.3. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ, ИЗБОСКАН ТУМАНИДАГИ «ПОЙТУҒ СУТ БУЛОҒИ» НАСЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ЧЕТДАН КАЛТИРЛГАН СИГИРЛАРНИНГ СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШЛАР ТАҲЛИЛИ.

Қорамоллардан олинадиган сут ва гўшт маҳсулотлари инсонлар учун энг зарур ва қийматли озиқа ҳисобланади. Бу маҳсулотларга бўлган талабни кондиритиш учун озиқлантиритиш, урчитиш, сақлаш усуллари илмий асосида ташкил этиш зарур.

Қорамоллар бошқа турдаги ҳайвонларга нисбатан ўсимиклар дунёсидаги келиб чиққан клечаткага бой озиқаларни яхши ўзлаштиради. Соғин сигирларни типавой схема асосида озиқлантиритишни ташкил этиш уларнинг сут маҳсулдорлигини оширитиш ва куйга келишини назорат қилишда катта аҳмаиятга эга.

Сут безларида – елинда сут ҳосил бўлиши мураккаб секретор жараён ҳисобланиб, 1 кг сут ҳосил бўлиши учун сут безларидан 500-600 литр қон айланиб ўтади. Сут билан қоннинг таркибидаги озиқа моддалар бир-биридан таркиби ва миқдори жиҳатидан бутунлай фарқ қилади. Сигир сутининг таркибида қон плазмасига қараганда 90 баробар кўп қант, 18-20 баробар ёғ ва кўп миқдорда кальций фосфор учрайди. Бу ҳол қоннинг таркибидаги моддаларнинг сут безларида бутунлай қайта ишланиши натижасида сут ҳосил бўлишидан дарак беради.

Сигир сутининг серкаймок бўлишида рацион таркибидаги егнинг аҳамияти биринчи уринда туради. Анна шу ҳисобга олиб, соғин сигирлар рационидида егнинг миқдори эътиборга олинади. Сут таркибида ажралиб чиқадиган егнинг қолган 35-40% юкорида эслатилган уск протеин ва углеводларнинг парчаланиши оқибатида сут безларида ҳосил бўлади.

Соғин сигирлар рационидида мадан моддаларнинг етарли бўлишига эътибор берилади. Сигирлар рационидидаги ҳар озука бирлигига куюдаги миқдорда макроэлементлардан берилиши тавсия этилади. Ош тузи – 6,5-7,5,

кальций – 6,5-7,4 г фосфор -4,5-5,5 г магний 2,4-1,5 г калий 8,1-6,7 г олтингугурт 2,8-2,1 г.

Соғин сигирлар рационда протеин ег, карбон сувлар ва мадан моддалардан ташқари витаминларни етарли бўлишига катта эътибор берилади. Витаминларни етарли бўлиши сигир танасида кетадиган барча физиологик ходисаларни унинг саломатлигини меъерида бўлишини таъминлалаши билан бирга сервитамин сут етиштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли сигирлар рационда А, Д, Е витаминлари ҳисобга олинади.

Соғин сигирлар рациондаги ҳар бир озука бирлигига 40-50 мг каротин, 1,0 ХБ (халқаро бирликда) Д витамин ва 30-40 мг Е берилади.

Соғин сигирлар туккандан кейин 10 кунга яқин туғурук хонада сақланади, сигир туқан захоти 0,5-1,0 кг унсимон озукани (донлар ермаси, омукта ем) 8-10 кг сувда пишириб суюқ атала қилиб бериш тавсия этилади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб биз тажрибамизни Андижон вилояти, Избоскан туманидаги «Пойтуғ сут булоғи» наслчилик фермер хўжалигида олиб бордик. Тажрибамиздан асосий кўзланган мақсад, ҳозирги кунда чет мамлакатлардан олиб келинаётган сигирлар маҳаллий иқлимга қанчалик даражада мослаша олишини ва уларнинг сут маҳсулдорлиги ҳамда сутининг ёғлилик даражаси қай даражада бўлишини ва унинг иқтисодий жихатдан хўжаликларга қандай самара келтириши мумкинлигини ҳисобладан иборат эди.

Шу мақсадда аввало биз тажриба учун иккита гуруҳ ажратиб олдик. Бу гуруҳларнинг бирида, яъни назорат гуруҳида маҳаллий қорамоллардан иборат сигирлар ва иккинчи гуруҳда эса четдан келтирилган соғин сигирлар ташкил қилди. Бу гуруҳларнинг ҳар бирида 10 бошдан, 2 – 3 лактацияда бўлган, лактация давомидаги сут маҳсулдорлиги ўртача 3882 килограмм, сутининг ёғлилиги ўртача 3,57% ни ташкил этган соғин сигирлардан ажратиб олдик.

Қуйида биз тажриба учун ажратиб олинган соғин сигирларнинг дастлабки кўрсаткичларини бериб ўтамыз.

Тажриба учун ажратиб олинган четдан келтирилган соғин сигирларнинг дастлабки кўрсаткичлари.

Назорат гурухи				Тажриба гурухи			
Сигирларнинг инвентар рақами	Лактацияси	Сут маҳсулдорлиги, кг	Сутининг ёғлилик даражаси, %	Сигирларнинг инвентар рақами	Лактацияси	Сут маҳсулдорлиги, кг	Сутининг ёғлилик даражаси, %
0010	3	3790	3,6	0023	2	4250	3,7
0015	4	3200	3,6	0025	3	4720	3,6
0021	2	3400	3,6	0038	4	4180	3,8
0024	4	3650	3,6	0039	3	4860	4,2
0026	4	3870	3,5	0042	2	4930	4,3
0028	3	3980	3,5	0044	2	4520	4,2
0043	2	3230	3,5	0045	3	4370	3,9
0048	2	3200	3,5	0049	4	4210	4,2
0050	2	3000	3,5	0053	2	4160	4,4
0051	3	3110	3,4	0057	4	4380	4,3

Тажриба учун ажратиб олингансоғин сигирларнинг махсулдорлик кўрсаткичлари деярли бир бирига яқин бўлиб, улар 150 кун давомида турли рационлар билан боқиб парваришланди. Хар иккала гуруҳидаги соғин сигирлар ҳам хўжаликда боқилаётган соғин сигирларни озиқлантириш рационани бўйича озиқлантирилди.

Унга кўра соғин сигирлар учун 1 кунлик жами озиқа сарфи 50 килограмм бўлиб, унда дағал озиқалар миқдори 5 % ни, ширали озиқалар миқдори 90 % ни ва концентрат (кучли) озиқалар миқдори эса 5 % ни ташкил этмоқда. Рационнинг умумий тўйимлилиги 14,27 озиқа бирлигига тенг бўлиб, беда пичани 3 килограмм берилгани холда тўйимлилиги 1.32 озиқа биригига тенг бўлган. Қорамолларга бир кунда 30 килограмм маккажўхори силоси, 8 килограмм беда сенажи ва 6 килограмм қизилча берилмоқда ва уларнинг тўйимлилиги 3.15, 2.8 ва 0.84 озиқа birlikларини ташкил этмоқда. Хўжаликда қорамолларни озиқлантиришда кучли озиқалардан пахта кунжараси (2 килограмм, тўйимлилиги 2,3 озиқа бирлиги), ва буғдой кечаги (1 килограмм, тўйимлилиги 0,71 озиқа бирлиги) дан фойдаланиб келинмоқда. Рациондаги барча озиқалар таркибидаги хазмланувчи протеин 1975 грамм, кальций миқдори 174.8 грамм, фосфор миқдори 47.7 грамм ва каротин эса 737 миллиграммни ташкил этган.

Тажриба учун ажратилган гуруҳдаги четдан келтирилган соғин сигирларни ҳам ўша рацион билан 150 кун озиқлантириш даврида боқиб бордик. Хўжаликда эса соғин сигирлар рационига кучли озиқалардан пахта кунжараси ва буғдой кечаги берилади. Биз ҳам ушбу озиқаларни барчасини ўзгартирмаган холда фойдаландик. Бу нарса соғин сигирлар сут махсулдорлигини оширишга ва уларнинг ёғлилиқ даражасини кўтарилишига яхши таъсир кўрсатмайди, баъзи холларда сигирларнинг қисир қолишига ҳам сабаб бўлади. Чунки улар таркибида ёғ тўпловчи моддалар кўп миқдорда учрайди.

Тажрибамиз асосан қиш ойларига тўғри келганлиги учун, ҳайвонлар ёпиқ молхоналарда асраб парваришланди. Тажриба давомида сигирлардан доимий хабардор бўлиб туриш учун бир мутахассис жалб қилинди.

10-жадвал

**Тажриба ва назорат гуруҳларидаги соғин сигирларни озиқлантириш
рационни.**

Т/р	Ем – хашак тури	Озуқа таркибида мавжуд					
		Миқдори	Озуқа бирлиги	Хазмланувчи оқсил	Кальций	Фосфор	Каротин
		Кг	кг	гр	гр	гр	мгр
1	Беда пичани	3	1,32	303	51	6,6	147
2	Маккажўхори силоси	30	6,3	360	45	15	420
3	Беда сенажи	8	2,8	464	69	8	168
4	Қизилча	6	0,84	60	2,4	3	-
5	Пахта кунжара	2	2,3	662	5,6	3,2	2
6	Буғдой кепаги	1	0,71	126	1,8	10,1	4
7	Ош тузи	0,50	-	-	-	-	-
	Жами:	50	14,27	1975	174.8	47.7	737

Биз тажриба учун ажратиб олган соғин сигирлар учун тузган рационимизда хўжалик рационини асос қилиб олдик. Унга кўра кунлик озиқа сарфи қуйидагича: маккажўхори силоси 30 килограмм, беда сенажи 8 килограмм, беда пичани 3 килограмм, қизилча 6 килограмм, пахта кунжараси 2 килограмм ва буғдой кепаги эса 1 килограммни ташкил этди. Жами сарфланган кунлик озиқанинг умумий тўйимлилиги 14.27 озиқа бирлигига, хазмланувчи протеин 1975 граммга, кальций 174.8 граммга, фосфор 47.7 граммга ва каротин миқдори эса 737 миллиграммга тенг бўлди. Ош тузини эса хоҳлаганича ялама туз сифатида бериб бордик.

Тажриба давомида соғин сигирлар ҳар хил юқумли ва юқумсиз касалликларга қарши эмланди ва доимий равишда ветеринария врачлари назорати остида кузатилиб борилди.

11-жадвал

Тажриба давомида соғин сигирлар учун сарфланган озиқалар миқдори.

Ем – хашак тури	Барча гуруҳлар учун					
	1 бошга 1 кунда		150 кунда 1 бошга		Жами озиқа сарфи	
	кг	о.б	кг	о.б	кг	о.б
Беда пичани	3	1,32	450	198	4500	1980
Маккажўхори силоси	30	6,3	4500	945	45000	9450
Беда сенажи	8	2,8	1200	420	12000	4200
Қизилча	6	0,84	900	126	9000	1260
Пахта кунжара	2	2,3	300	345	3000	3450
Бугдой кепаци	1	0,71	150	106.5	1500	1065
Ош тузи	0,50	-	37.5	-	187.5	-
Жами:	50	14,27	7500	2140.5	75000	21405

Уларга 150 кун тажриба давомида сарфланган озиқалар миқдори юқоридаги жадвалда ўз аксини топган. Унга кўра иккала гуруҳдаги соғин сигирлар учун сарфланган барча озиқаларнинг умумий тўйимлилиги 75000 озиқа бирлигига тенг бўлган бўлса, ушбу озиқаларнинг умумий тўйимлилиги 21405 озиқа бирлигига тенг бўлди.

Сигирларнинг махсулдорлик кўрсаткичларини ўзгаришини кузатиб бориш мақсадида ҳар ойнинг декадаларини охирида назорат соғимлари ўтказилиб, уларнинг ёғлилиқ даражаси текшириб борилди. Уларнинг кўрсаткичларини ўзгариши доимий равишда қайд этиб борилди. Тажриба гуруҳидаги соғин сигирларлар назорат гуруҳидаги соғин сигирларга нисбатан берилган озиқаларни жуда тез ўзига ола бошлади ва кутилган натижаларини бера бошлади.

Тажриба давомида ўтказилган назорат соғими ва ёғлилик даражаси кўрсаткичлари.

Ойлар	Назорат соғим кунлари	Маҳаллий сигирлар гуруҳи								Четдан келтирилган сигирлар гуруҳи							
		Махсулдорлик кўрсаткичлари															
		Бир соғимда				Календар ойида		Жами сигирлардан		Бир соғимда				Календар ойида		Жами сигирлардан	
		Эрталаб	Кечқурун	Бир кунда	Ёғлилиги, %	Сут миқдори, кг	Ёғлилиги, %	Сут миқдори, кг	Жами соғин сигирдан, кг	Эрталаб	Кечқурун	Бир кунда	Ёғлилиги, %	Сут миқдори, кг	Ёғлилиги, %	Сут миқдори, кг	Жами соғин сигирдан, кг
Ноябрь	10	5,0	6,0	11,0	3,5	345	3,56	345	3450	6.0	6.5	12,5	3.8	420	3.7	420	4200
	20	5,5	6,0	11,5	3,6					6.5	7.5	14,0	3.6				
	30	5,5	6,5	12,0	3,6					7.5	8.0	15,5	3.7				
Декабрь	10	6,0	6,5	12,5	3,6	390	3,56	735	7350	8.0	8.5	16,5	3.8	520	4.0	940	9400
	20	6,5	6,5	13,0	3,6					8.5	8.5	17,0	4.1				
	30	6,5	7,0	13,5	3,5					8.5	10.0	18,5	4.2				
Январь	10	6,5	7,5	14,0	3,6	435	3,63	1170	11700	9.0	10.0	19,0	4.4	610	4.2	1550	15500
	20	7,0	7,5	14,5	3,6					10	10.5	20,5	4.3				
	30	7,5	7,5	15,0	3,7					10.5	11.0	21,5	4.0				
Февраль	10	7,5	8,0	15,5	3,7	460	3,6	1630	16300	11.0	11.5	22,5	4.3	670	4.3	2220	22200
	20	7,5	8,0	15,5	3,6					11.0	11.5	22,5	4.2				
	30	7,5	7,5	15,0	3,5					11.0	11.0	22,0	4.5				
Март	10	7,0	7,5	14,5	3,6	420	3,56	2050	20500	10.5	11.0	21.5	4.5	640	4.4	2860	28600
	20	7,0	7,0	14,0	3,6					10.5	11.0	21,5	4.4				
	30	6,5	7,0	13,5	3,5					11.0	11.0	21,0	4,4				

Ушбу жадвал маълумотлари тажриба давомида олиб борилган ишлар бўйича умумий хулосага келишга асос бўлади. Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, хўжаликдаги мавжуд рацион остида боқилган соғин сигирлардан ташкил топган назорат гуруҳида, ноябр ойида жами бир бошдан соғилган сут 345 кг бўлиб, жами сигирлардан шу ойда 3450 кг сут соғиб олинган. Сутининг ўртача ёғлилик даражаси шу ойда 3,56% ни ташкил этган.

Декабр ойида жами бир бошдан соғилган сут 390 кг бўлиб, жами сигирлардан шу ойгача хаммаси бўлиб 7350 кг сут соғиб олинган. Сутининг ўртача ёғлилик даражаси шу ойда 3,6% тенг бўлди.

Январ ойида жами бир бошдан соғилган сут 435 кг бўлиб, жами сигирлардан шу ойгача хаммаси бўлиб 11700 кг сут соғиб олинган. Сутининг ўртача ёғлилик даражаси шу ойда 3,63% га тенг бўлган. Февраль ойида жами бир бошдан соғилган сут 460 кг бўлиб, жами сигирлардан шу ойгача хаммаси бўлиб 16300 кг сут соғиб олинган. Сутининг ўртача ёғлилик даражаси шу ойда 3,6% бўлди. Тажрибанинг охирги ойи март ойида жами бир бошдан соғилган сут 420 кг бўлиб, жами сигирлардан шу ойгача хаммаси бўлиб 20500 кг сут соғиб олинган. Сутининг ўртача ёғлилик даражаси шу ойда 3,56% ни ташкил этди.

Четдан келтирилган соғин сигирлардан ташкил топган тажриба гуруҳида, ноябр ойида жами бир бошдан соғилган сут 420 кг бўлиб, жами сигирлардан шу ойда 4200 кг сут соғиб олинган. Сутининг ўртача ёғлилик даражаси шу ойда 3,7% ни ташкил этди. Декабр ойида жами бир бошдан соғилган сут 520 кг бўлиб, жами сигирлардан шу ойгача хаммаси бўлиб 9400 кг сут соғиб олинган. Сутининг ўртача ёғлилик даражаси шу ойда 4,0% кўрсаткичга эришилган. Январ ойида жами бир бошдан соғилган сут 610 кг бўлиб, жами сигирлардан шу ойгача хаммаси бўлиб 15500 кг сут соғиб олинган. Сутининг ўртача ёғлилик даражаси шу ойда 4,2% кўтарилганини кўриш мумкин. Февраль ойида ҳам жами бир бошдан соғилган сут 670 кг бўлиб, жами сигирлардан шу ойгача хаммаси бўлиб 22200 кг сут соғиб олинган. Сутининг ўртача ёғлилик даражаси шу ойда 4,3% ни ҳосил қилган.

Тажрибанинг охириг ойи март ойида жами бир бошдан соғилган сут 640 кг бўлиб, жами сигирлардан шу ойгача хаммаси бўлиб 28600 кг сут соғиб олинган. Сутининг ўртача ёғлилик даражаси шу ойда 4.4% ни ташкил этмоқда.

Демак тажриба натижалари шуни кўрсатмоқдаки, соғин сигирлар силосланган озикалар билан бқилганда оддий усул билан боқилган тенгдошларига нисбатан 8100 кг кўп махсулот олиш имконияти ортади.

13-жадвал

**Тажриба учун ажратилган соғин сигирларнинг солиштирима
махсулдорлик кўрсаткичлари.**

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Гурухлар		Фарқи	
			Назорат	Тажриба	+; –	%
1	Соғин сигирлар сони	бош	10	10	-	100
2	Ўртача бир бошдан соғиб олинган сут	кг	2050	2860	+810	139.5
3	Жами соғиб олинган сут	кг	20500	28600	+8100	139.5
4	Бузоқлар учун ажратилган сут	кг	2050	2860	+810	139.5
5	Сутнинг ўртача ёғлилик даражаси	%	3,6	4.2	+0,6	116.6
6	1 % ли сут миқдори	кг	66420	108108	+41688	162.7
7	Соф холда сотилган сут миқдори	кг	18450	25740	+7290	139.5

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, четдан келтирилган соғин сигирлардан иборат бўлган тажриба гурухидаги хар бир бош сигирдан соғиб олинган сут назорат гурухига нисбатан 810 килограммга, жами сигирлардан эса назорат гурухига нисбатан 8100 килограммга, яъни 139.5% кўп сут соғиб олишга эришилди. Хўжаликдаги янги туғилган бузоқларга ичириш учун жами ишлаб чиқарилган сутдан 10% ни хўжаликда олиб қолинган бўлиб, у назорат гурухидан 2050 килограмм ва тажриба гурухидан 2860 килограммни ташкил этади.

Олинган ёғлилик даражасига ҳисобланган 1 % ли сут миқдори назорат гуруҳида 66420 килограм бўлса, тажриба гуруҳимизда 108108 килограм бўлди. Бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида 41688 килограмга ёки бошқача айтганда 162.7% кўп натижани қайд этилди. Соф ҳолатда сотилган сут миқдори назорат гуруҳида 18450 килограм бўлса, тажриба гуруҳида 25740 килограмни ташкил этди. Яъни назорат гуруҳига нисбатан 7290 килограмм ёки 139.5% кўп сут сотишга эришилди.

V. ТАЖРИБАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ.

Бизнинг тажрибамиз маҳаллий соғин сигирлар билан четдан келтирилган соғин сигирларнинг сут маҳсулдорлигини қиёсий жихатдан ўрганишдан иборат бўлди. Ҳар қандай амалий ишнинг самараси унинг иқтисодий жихатдан фойдали ёки фойдали эмаслигида кўринади. Унинг қандай даражада фойдали эканлиги эса иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида акс этади. Биз ҳам олиб борган тажрибамизнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқдик.

Тажриба учун назорат гуруҳига 10 бош ва тажриба гуруҳига 10 бош соғин сигирлардан ажратиб олинди. Сигирлардан тажриба давомида олинган маҳсулдорлик кўрсаткичлари қуйидагича бўлди.

Назорат гуруҳида:

Кунлик соғин	13,7 кг/бош;
Сутнинг ёғлилик даражаси	3,6 %;
Сигирларнинг ўртача маҳсулдорлиги	2050 кг/бош;
Жами сигирлардан соғиб олинган сут	20500 кг;
1 % ли сут миқдори	66420 кг;
Соф ҳолда сотилган сут	18450 кг;

Тажриба гуруҳида:

Кунлик соғин	19.1 кг/бош;
Сутнинг ёғлилик даражаси	4.2 %;
Сигирларнинг ўртача маҳсулдорлиги	2860 кг/бош;
Жами сигирлардан соғиб олинган сут	28600 кг;
1 % ли сут миқдори	108108 кг;
Соф ҳолда сотилган сут	25740 кг;

Пул даромади. Тажриба давомида ишлаб чиқарилган сут миқдори ҳисобига олинадиган пул даромадини ҳисоблаш учун 1 килограмм сутни сотиш баҳосига жами сотилган сут миқдорини кўпайтирамиз. 1 килограмм сутни сотиш баҳоси 1560 сўм қилиб белгиланган.

Назорат гуруҳида: Жами боқилган 10 бош соғин сигирдан 20500 кг миқдорида сут соғиб олишга эришилган. Аммо хўжаликдаги бузоқларни озиклантиришга соғилган сутнинг 10 % и миқдоридаги сутни хўжаликни ўзида олиб қолинади. Олиб қолинган сутдан қолган 18450 кг сут сотилган.

$18450 \text{ кг} * 1560 \text{ сўм} = 28782 \text{ минг сўм}$ миқдорида пул даромади олинмоқда.

Тажриба гуруҳида: Жами боқилган 10 бош соғин сигирдан 28600 кг миқдорида сут соғиб олишга эришилган. Аммо хўжаликдаги бузоқларни озуклантиришга соғилган сутнинг 10 % и миқдоридаги сутни хўжаликни ўзида олиб қолинади. Олиб қолинган сутдан қолган 25740 кг сут сотилган.

$25740 \text{ кг} * 1560 \text{ сўм} = 40154.4 \text{ минг сўм}$ миқдорида пул даромади олинди.

Озуқа сарфи. Тажриба давомида эришилган натижалар учун сарфланган харажатлар таркибини кўриб ўтамиз. Биринчи навбатда тажриба учун ажратилган соғин сигирларга тажриба давомида сарфланган озуқалар сарфини ҳисобланади. Тажрибанинг давомийлиги 150 кун давом этганлигини ҳисобга олган ҳолда, юқоридаги рациондан келиб чиқиб қуйидагича қийматда озуқа харажати қилинди.

Тажриба давомида соғин сигирларга сарфланган озуқа харажатлари.

Т/р	Озуқалар тури	Барча гурухлар учун		
		Жами озуқа сарфи	1 кг озуқа қиймати	Жами озуқа қиймати
		ц	сўм	м.сўм
1	Беда пичани	45	200	900
2	Маккажўхори силоси	450	120	5400
3	Беда сенажи	120	160	1920
4	Қизилча	90	120	1080
5	Пахта кунжара	30	550	1650
6	Бугдой кенаги	15	120	180
7	Жами:	х	х	11130

Иш хақи сарфи. Тажриба учун алохида ишчи жалб этилди, чунки тажриба давомида кечаю кундуз, доимий равишда шу хайвонлардан хабардор бўлиб туриш учун. Ушбу ишчи фермер хўжалигида шартнома билан ишлаётганлиги учун унга фермер 450000 сўм миқдорида иш хақи белгилаган. Биз ушбу иш хақиси сақланиб қолган ҳолда унга қўшимча яна 10% устама ҳақ белгиладик. Жами иш хақиси қуйидагича бўлди:

$$450000 \text{ сўм} * 10\% / 100\% = 45000 \text{ сўм} + 495000 \text{ сўм} = 495 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу сумма 5 ой давомида тўланди.

$$495 \text{ минг сўм} * 5 \text{ ой} = 2475 \text{ минг сўмни ташкил этди.}$$

Сут соғувчига 1 центнер сут соғиб олганлиги учун 5220 сўм миқдорида иш ҳақи тўланди.

$$\text{Назорат гуруҳида: } 184.5 \text{ ц} * 5220 \text{ сўм} = 963.1 \text{ минг сўм тўланди.}$$

$$\text{Тажриба гуруҳида: } 257.4 \text{ ц} * 5220 \text{ сўм} = 1343.6 \text{ минг сўм тўланди.}$$

Амортизация ажратмасы. Таҷрибадаги соғин сигирлар таҷриба давомида 115423 минг сўм қийматга эга бўлган бино ичида асралди. Бино иншоатининг амортизация ажратмасы 7% ни ташкил этади. Жами амортизация қиймати қуйидагича бўлди.

$$115423 \text{ минг сўм} * 7\% / 100\% = 8079.6 \text{ минг сўм амортизация ажратилди.}$$

Дори – дармон воситалари сарфи. Таҷрибадаги соғин сигирларни турли юқимли ва юқумсиз касалликлардан сақлаш мақсадида 1358 минг сўмлик дори – дармон воситалари сарфланди.

Жами харажатларни ҳисоблаш. Жами харажатлар таркиби қуйидагича қийматга эга бўлди.

Назорат гуруҳида: $11130 + 2475 + 963,1 + 8079.6 + 1358 = 24005.7$ минг сўм.

Таҷриба гуруҳида: $11130 + 2475 + 1343.6 + 8079.6 + 1358 = 24386.2$ минг сўм.

Соф даромад. Ишлаб чиқарилган сут маҳсулоти ҳисобига олинадиган соф даромадни ҳисоблаш учун, олинган пул даромадидан жами сарфланган харажатлар миқдорини чегириб ташлаймиз.

Назорат гуруҳида: $28782 \text{ минг сўм} - 24005.7 \text{ минг сўм} = 4776.3 \text{ минг сўм.}$

Таҷриба гуруҳида: $40154.4 \text{ минг сўм} - 24386.2 \text{ минг сўм} = 15768.2 \text{ минг сўм.}$

1 сўм харажат ҳисобига олинган соф даромадни ҳисоблаш. Уни ҳисоблаш учун олинган соф даромадни жами сарфланган харажатларга бўлинади.

Назорат гуруҳида: 4776.3 минг сўм / 24005.7 минг сўм = 0,20 сўм.

Тажриба гуруҳида: 15768.2 минг сўм / 24386.2 минг сўм = 0,64 сўм.

15-жадвал

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Гуруҳлар		Фарқи	
			Назорат	Тажриба	+; -	%
1	Жами сигирлар бош сони	бош	10	10	-	100
2	Ўртача 1 бошдан кунлик соғим	кг/бош	13,7	19.1	5.4	139.5
3	Сутининг ёғлилик даражаси	%	3,6	4.2	0.6	116.6
4	Сигирларнинг ўртача сут маҳсулдорлиги	кг/бош	2050	2860	810	139.5
5	Жами сигирлардан соғиб олинган сут миқдори	кг	20500	28600	8100	139.5
6	1 % ли сут миқдори	кг	66420	108108	41688	162.7
7	Соф ҳолда сотилган сут	кг	18450	25740	7290	139.5
8	1 кг сутни сотиш баҳоси	сўм	1560	1560	-	100
9	Сотилган сут ҳисобига олинган пул даромад	м.сўм	28782	40154.4	11372.4	139.5
10	Сут ишлаб чиқариш учун сарфланган жами харажат	м.сўм	24005.7	24386.2	308.5	101.5
11	1 кг сут ишлаб чиқариш таннарихи	сўм	1171	853	-318	72.8
12	Сотилган сут ҳисобига олинган соф даромад	м.сўм	4776.3	15768.2	10991.9	330
13	1 сўм харажат ҳисобига олинган соф даромад	сўм	0.20	0.64	0.44	320

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, назорат ва тажриба учун деярли бир хил лактация давридаги соғин сигирлар ажратиб олиниб, улар тарлича усулларда 5 ой давомида боқилганда, давр охирига келиб тажриба гуруҳидаги сигирлардан 8100 килограммга кўп миқдорида қўшимча сут

соғиб олишга эришилди, буни назорат гурухига нисбатан олганда 139.5% ни ташкил этади.

Ушбу етиштирилган сут махсулоти хисобига олинадиган пул даромади назорат гурухига нисбатан 11372.4 минг сўм кўп даромад келтирган, бошқача айтганда назорат гурухига нисбатан 139.5 % га кўпроқ даромад келтириган. Шу билан бирга, сут ишлаб чиқариш учун сарфланган жами харажатлар назорат гурухида 24005.7 минг сўм бўлса, тажриба гурухида 24386.2 минг сўм харажат қилинган. 1 килограмм сут ишлаб чиқариш таннарни эса назорат гурухида 1171 сўмга тўғри келган бўлса, тажриба гурухида бу нарса 853 сўмга тенг бўлганлигини кўрамыз.

Сут махсулоти етиштириш хисобига олинадиган соф даромад эса, назорат гурухига нисбатан тажриба гурухида 10991.9 минг сўм кўп олинганлигини ифодалайди, бошқача айтганда, тажриба гурухида назорат гурухига нисбатан 330 % юқори кўрсаткичга эришганлигини кўриш мумкин бўлади. Ишнинг самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткич хисобланган 1 сўм харажат хисобига олинган соф даромад эса, назорат гурухида 0,20 сўмга тенг бўлган бўлса, тажриба гурухида бу кўрсаткич 0,64 сўмга тенг бўлди. Яъни назорат гурухига нисбатан 320 % юқори кўрсаткичга эришилган.

VI. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Аҳолини сут маҳсулотларига бўлган талабини йил сайин ортиб бориши, сут йўналишидаги қорамолчиликни тобора ривожлантиришни таказо этади. Маълумки сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ортган сари, уларнинг озуқа рационини сифатига ва тўла қимматлилигига талабчан бўладилар. Сутдор сигирлар организмида модда алмашинуви жараёни ўсаётган молниқига ва гўштдор қорамолларниқига қараганда ҳам анча юқори бўлади. Бундан келиб чиқиб сут берувчи қорамоллар рационини меъёр даражасида сақлаш ва уни хар хил озуқалар билан бойитиш мутахассислар олдидаги энг катта вазифа ҳисобланади.

Биз Андижон вилояти, Избосан туманидаги «Пойтуғ сут булоғи» наслчилик фермер хўжалигида олиб борган тадқиқотларимизда юқоридаги фикрлар тўғри эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Сигирлар рацион таркибида озуқаларнинг ўзгариши ҳисобига уларнинг маҳсулдорлиги тажрибадан олдин ўртача 11 килограмни ташкил этган бўлса, тажриба давомида ижобий натижаларни бера бошлади. Яъни кунлик сут соғими тажриба гуруҳида 17,0 – 18,0 килограмгача кўтарилиб борди. Ўртача бир кунлик соғим 138 – 140 килограмни ташкил этди. Жами 10 бош сигирдан назорат гуруҳига нисбатан 2750 килограм кўп сут соғиб олишга эришилди. Бу натижа хўжаликнинг иқтисодий фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Хўжаликда секин – аста сут маҳсулдорлигини ортириш, сутни эркин баҳода сотиш ҳисобига рентабеллик даражаси 36% дан 44%гача кўтарилиши мумкинлиги аниқланди. Ба сарфланган бир сўм харажат ҳисобига 0,44 сўмдан фойда олиш демакдир.

Юқоридаги ишимизнинг натижаларидан келиб чиқиб қуйидагиларни хулоса ва таклиф сифатида бериб ўтамиз.

- **Биринчидан:** хўжаликда сигирларни озуқлантириш даражасини белгилашда қабул қилинган меъёрларга эътибор бери шва шулар асосида мукаммал рационлар тузиш;

- **Иккинчидан:** сигирларни қаятий белгиланган кун тартибига асосан боқиш, парваришлаш ва сақлаш талаблари даражасида ишни ташкил этиш лозим;
- **Учинчидан:** сигирларни бир хил озуқалар билан боқишдан кўра, уларнинг турли туманлигига эътибор бериш. Бунинг учун фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонлари хажмини хар бир бош хисобига 0,33 га/бош гача етказиш керак;
- **Тўртинчидан:** экин майдонларидан олинадиган хосилдорликни имконият даражасида кўтаришга ҳаракат қилиш. Бунинг учун асосий экинлардан ташқари ем – ҳашак етиштириш таркибида такрорий салмоғини ошириш лозим;
- **Бешинчидан:** сут ишлаб чиқарувчилар билан уни харид қилувчи корхоналар ўртасида маҳсулот баҳосини ҳаражатлар хисобидан келиб чиқиб, мувофиқ тарзда белгилаш керак. Бу ишлардан моддий манфаатдорлик ошади;
- **Олтинчидан:** маҳсулот етиштириш давомида уларга сарфланаётган ҳаражатларни камайтириш ва ортиқча ҳаражатларга йўл қўймаслик лозим. бу сут ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш омили бўлиб хисобланади;
- **Еттинчидан:** маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга ҳуқуқий эркинликлар яратиш лозим.

Агарда хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш давомида юқоридаги тақлифларга амал қилинса ва бу тақлифларни эътиборга олинса, хўжалик иқтисодий жихатдан илғор хўжаликлар қаторидан ўрин олиши мумкин бўлади.

VII. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.

7.1. Меҳнат муҳофазаси.

1. Умумий қоидалар.

Чорвачилик фермалари ва комплексларида озуқа тайёрлаш ва тарқатиш, гўнг чиқариш, сут соғиш ва бошқа технологик жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштирмасдан туриб ишни яхши ташкил этиш мумкин эмас.

Механизацияни ишлаб чиқаришга кенг қўллаш натижасида машиналарни ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш даврида ҳар-хил жароҳат олинади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш бўлмасин меҳнатни муҳофаза қилишнинг асосий мақсади : меҳнат қилиш учун шундай шароитларни яратишни, бунда бахтсиз ходисаларни келиб чиқиш сабабларини огохлантириш ва йўқотишдан иборатдир. Бунинг учун машиналар конструкцияларини такомиллаштириш, ишчи жойлари, машиналарга эса химоя қилиш қурилмалари ва мосламаларини такомиллаштириш керак бўлади. Ҳар бир ишчи меҳнат муҳофазаси талабларини яхши билиши ва ҳар доим техника хавфсизлиги талабларини бажариши керак. Бундан ташқари меҳнатни муҳофаза қилиш қонун ва талабларини систематик ўрганиб туриши керак.

2. Фермадаги меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ашқил этиш.

Хўжалик бўйича бир ва беш йилликларучун меҳнат шароитларини меҳнат хавфсизлигини яхшилаш, бўйича чора тадбирлар тузилади. Бу тадбирларда қуйидагилар такидланади.

а)технологик жараёнларни механизациялашни такомиллаштириш.

б) меҳнат шароити ва дам олишни яхшилаш, фермада меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини систематик равишда ўқитиб туриш. Ўтган йилги иш даврида ва шу йили ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ходиса рўйхатдан ўтказилади.

Ҳозирги кунда фермада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги ишлар бажарилмоқда : техника хавфсизлиги бурчаги, дам олиш хонаси, чойхонаси билан. Ҳар бир ишчи жойига плакатлар ва техника хавфсизлиги жадваллари ўрнатилган. Ишчиларга махсус ишчи кийимлари берилмоқда. Бундан ташқари ёнғинга қарши асбоб ускуналар пости ташкил этилган.

Ишлаб чиқариш санитарияси.

Меҳнатдаги иш унуми ва ишчиларнинг ишончлиги ишчи жойларидаги санитария шароитларига, тоза ҳаво ва керакли иссиқлик яратилишига боғлиқ бўлади, яъни дам олиш ва овқатланиш вақтларида санитария-гигиена талабларига риоя қилиш. Ўз гигиена қоидаларини бажариш учун шароитларни ташкил қилиш.

Ишчи жойларни ёритилишини таъминлаш; Ҳар бир киши ўз-ўзини химоя қилиш воситалари ва махсус кийимлар билан таъминлаш :

Гўнг чиқариш ва сақлаш жараёни хавфсизлиги.

Гўнг чиқариш ва сақлаш машиналарида ишлашга ёши 18 дан ошган медицина кўригидан ва инструктаждан ўтган, шу соҳада махсус тайёргарликдан ўтган шахслар қўйилади. Гўнг чиқариш транспортёрларини ҳаракатга келтирувчи редуктор бетон полга ўрнатилади. Электр симлари метал қувурлар ичига жойлаштирилади. Корпуси ерга улаб қўйилади. Транспортёрнинг ҳамда айланувчи ҳаракатланувчи қисмлари ўраб қўйилади. Оғма транспортёр ўрнатилган гўнг тўпланиш чуқури ёғоч тўсиқ билан тўсиб қўйилади. Уларни атрофига баландлиги 1,6 м.ли темирпанжара ўрнатилади. Транспортёр қисмларини эшик ва ўтиш жойлари рўпарасига ёғоч ёпқичлар ўрнатилади. Транспортёрни у бошига ҳам, бу бошига ҳам электр ўчиргичларни ўрнатилади. Уларни фақат жавобгар шахсгина юргизади. Горизонтал транспортёри оғма транспортёрдан кейин ишга туширилади. Уларни юргизиб юбориш қурилмаларини устига “Ёт кишиларни транспортёрни юргизиб юбориши қаттиқ тақиқланади” .”Машина ишлаётганда эҳтиёт бўлинг” деган сўзлар ёзиб қўйилади. Транспортёр ишлаб турганда уни созлаш, таъмирлаш, техник қаров ўтказиш, ҳайвонларни ҳайдаб

чиқиш ёки ҳайдаб киритиш тақиқланади. Транспортёрга бошқа нарсалар (бешилиқ, курак кабилар) тушиб қолмаслиги керак.

Айрим ҳолларда гўнг бульдозер ёрдамида чиқарилишига тўғри келиб қолади. Бундай ҳолларда тажрибали механизаторларни жалб қилиш керак. Шунда трактор 4,5...5 км/с тезликда ҳаракатланиши лозим. Тракторга учкун ўчиргич қўйилади. Иш тугагандан кейин бино ичи шамоллатилади.

Гўнг тўплаш жойлари, қудуқлар, гўнг тўплагичларда ишлаш анча хавфли ҳисобланади. Ишловчилар газлардан захарланиб қолиши, чуқурларга тушиб кетиши, ёки портлашлар рўй бериши мумкин. Бундай жойларга ҳар хил “хавфлар”, “эҳтиёт бўлинг, чуқур очик !” каби белгилар қўйиш талаб қилинади. Тунги сменаларда қизил чироқлар ёкиб қўйилади. Жойлардан газ ва кислород миқдорларини ўлчаб туриш зарур.

7.2. Фуқоролар муҳофазаси.

Режа :

1. Қишлоқ хўжалиги машина ва қуролларини бино ва иншоотларни зарарсизлантириш.
2. Фуқоролар ҳимояси тадбирлари режалаштиришнинг асосий талаблари.
3. Аҳолини ҳимоя қилиш тадбирларини режалаштириш.
4. Радиактив моддалар билан зарарланган даҳаларда қандай тадбирлар ишлаб чиқиш керак.
5. Чорва молларини ҳимоялаш тадбирлари.

1. Душман томонидан қўлланилган ялпи қирғин қуролларининг оқибатларини тугатишга қишлоқ хўжалиги объектларининг жойлар, бинолар, иншоотлар, хоналар ва техникаларни зарарсизлантириш учун махсус техника ва асбоблар ишлатилади. Лекин махсус техника ва асбоблардан ташқари ер қазийдиган, мелиорация ишларини бажарадиган машина ва асбоблардан ҳамда уларни ремонт қилувчи қишлоқ хўжаликларининг, корхоналарининг машиналаридан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалик объектларининг зарарсизланиши учун трактор ва маторли пуркагичлар, хўл пуркагичлари,аэрозол генераторлари,суюқлик сотувчилари,прицепли сочувчилар,автозаправшиклар, оддий плуглар, бульдозерлар, грейдерлар ишлатилади.

Пуркагичлар, чанглаш курилмаларининг ишлатилишига караб,гидравлик ва вентиляторлик турларга бўлинади. Суюқлик сарфи бўйича оддий, кичик хажмли,ультра кичик хажмли, олиб юрилиши бўйича эса прицепли ва ўзи юрар ; вазифалари бўйича эса универсал, боғлар,далаларда ишлатиладиган бошқа пуркагичларга бўлинади. Ўзларининг бевосита вазифаларидан ташқари пуркагичларни бошқа жойларда ҳам , яъни бинолар, иншоатларни дезактивация, депозация, дезинфекция қилишга ишлатиш мумкин.

Маркалари : ОН-400, осма универсал чанглатгич, ОН-400-3 осма вентиляторли чанглатгич, қўл пуркагичи.

Аэрозолни генераторлар термо-механик ва механик усуллар билан ишлайди. Термомеханик генераторларни иш эритмаси қизитади, қисман буғланади ва газ оқимларига айланади, механик генераторларда эса у хаво оқимиغا айланади. Сўнг улар дезинфекция ва дезинтивация пуркагичлари сифатида уйларни ва майдонларни зарарсизлантиришга ҳамда касал тарқатувчиларни йўқотишда ишлатилади. АТ-УД-2 аэрозол генератори трактор прицепага ёки автомобилнинг кузовига ўрнатилади. Р₂ СТ-8 суюқ органик ўғитларни сочувчи мосламаси ҳам техникаларни дезактивация,дегозация ва дезинфекция қилиш, даладаги ва бошқа қишлоқ жойларидаги ёнилғиларни ўчиришда сув ташиш учун ишлатилади. Трактор плуглари қўшимча мосламаларсиз айрим жойларни дезактивация қилишда, яъни ерни шудгорлашда ишлатилади.

2. Аҳолининг ҳимоя шароитларида яшириниши, оммавий қирғин қуроллари ва душманнинг бошқа хужум воситаларидан ҳимоя қилишнинг энг ишончли усули хисобланади.

Химоя иншоатлари- бу аҳолининг ядро, химиявий, бактериологик куроллардан, шунингдек ядро портлаши вақтида ва оддий қирғин воситалари қўлланилган вақтда фойдаланилади. Бундан ташқари аҳолини химоя қилиш учун энг оддий кана жойлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Душман хужуми бевосита хавф солган пайтларда, шунингдек, уруш даврида яшириниш жойлари ва ПРУ лар етарли бўлмаган ҳолларда тезда бунёд этиладиган яшириниш жойлари қурилма бошлайди. Бундай яшириниш жойлари тайёр қурилиш элемент ва конструкциялардан, ғиштдан, бетондан, тахта ва ёғочдан барпо этилади, ҳамда ертўла ва бошқа чуқурроқ хоналарни ПРУ га мослаштириб олинади. Пана жой химоя хусусиятларига, катта-кичиклигига, жойлашган ерига, қурилган вақтига ва филтрлаш воситалари билан жихозланишига кўра бир неча турларга бўлинади.

150 киши бекинса—кичик 150 дан-450 гача бўлса, ўрта кўп бўлса катта яшириниш жойи ҳисобланади .

3.Ф.Х.режалаштирилган олдин юқори ташкилотларнинг қарор ва кўрсатмаларини, туман шаҳар ва ФМ бошлиғининг буйруғи ҳам бошқа ҳужжатларни чуқур ўрганиб, сўнгга ишга киришилади.

Туман ФХ бошлиғи ҳар битта объектга ФХ нинг асосий масалаларни, аҳолини огохлантириш усуллари ва туман билан алоқада бўлиш, объектни муҳимлигига кўра ишчи ва хизматчиларни химоя қилиш усуллари, объектда ишни бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни белгилаб беради.

Халқ хўжалик объектларидаги ФХ нинг режаси ёзма равишда ишлаб чиқарилади ва уларга график ҳамда жадваллар илова қилинади .

Режалаштирилган тадбирлар мазмуни объект ишлаб чиқариш режасига мос келиш керак .

ФХ тадбирлари тинчлик даврида режалаштирилсада, уриш даври учун ишлаб чиқилади. ФХ режа ҳужжатлари аниқ тадбирларга жавоб бериш керак. Режалаштиришнинг асоси ФХ белгилаган тадбирларни бажарилишини таъминловчи муҳим шароитдир. Халқ хўжалик объектларидаги ФХ режалари туман ёки шаҳар ФХ штаби билан келишилади. Бунда асосан бошқариш

мосламаларини аниқлаш ўзаро ҳаракатни йўлга қўйиш ва таъминлаш кўзда тутилган.

4. Даладаги экинларни ядро қуроли портлашдан ҳосил бўлган шикастловчи омиллар билан бирга радиоктив моддалардан ҳимоя қилиш амалий жихатдан мумкин эмас. Фақатгина унча катта бўлмаган майдонларни плёнкалар билан ёпиш мумкин. Шунинг учун дехқончиликдаги асосий тадбирлар душман томонидан қўлланган ядро қурулининг реактив чуқмалар келтирадиган зарарларни камайтириш ва радиоктив изотопларнинг, асосан ўсимлик тўқимасининг фойдали қисмига (меваларига) киришини камайтиришга йўналтирилган бўлиши шарт.

Ядро қуруллари портлаганда тупроқ билан бирга экинлар ҳам радиоктив моддалар билан зарарланади.

5. Чорва молларини ҳимоя қилиш учун ФХ нинг ташкилий, инженер техник ва зооветеринария тадбирлар комплекси.

Ҳайвонларга ялпи қирғин қурулларининг таъсирини камайтиради ёки бутунлай йўқотади. Хужум ҳавфи туғилиши биланок хўжаликдаги молхоналар ва бошқа бинолар чорва молларини ҳимоя қилиш учун тайёрланади. Дағал ҳашак ва ширали озиклар беркитилади.

Ялпи қирғин қурулини таъсирини йўқотиш учун керакли эҳтиёт чоралари кўрилади ва зарарланиш манбада ишлаш учун қишлоқ хўжалик техникаси тайёр ҳолга келтирилади. Душманнинг бактериологик қурулини ишлатганини ўз вақтида билиш мақсадида ҳаво, ўсимлик ва экинларни кузатиш кучайтирилади ва ветеринария асбоб-ускуналар тайёргарлигини текширилади.

VIII. FOЙДАЛанилган адабиётлар.

1. Каримов И.А.-«Ўзбекистон XXIасрга интилмоқда» Тошкент 1995 й.
2. Каримов И.А.-«Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўли» Т.1996 й.
3. Каримов И.А.-«Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» Т.1995 й.
4. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПК-308 сонли ва 2008 йил 21 апрел ПК-842 –сонли қарорлари.
5. Мавлянов Н.О.-«Қорамолчилик » Тошкент.1968 й.
6. Арзуманян Е.А.-«Сководства» Москва Колос 1968 й.
7. Фандеев Б.В.- «Қорамолчилик» Тошкент 1968 й.
8. Мацкевич В.В.-«Мясное скводство и развидение скота пароды санта-гертруде» Москва Колос 1968 й.
9. Куликов В.И.,Рубан Ю.Д.- «Умумий зоотехния» Т. «Меҳнат» 1988 й.
10. Мадаминов К.-«Чорвадорнинг ён дафтари» Т. «меҳнат » 1988 й.
11. Калашников А.- «Чорвачиликда озук ва бошқалар нормалари ва рационлари» Т. «Меҳнат»1988 й.
12. Баканов В.Н.- «Кормление с/х животных» М. Колос 1989 й.
13. Хамракулов Р.- « Қишлохўжалик хайвонларини озукалантириш» Т.1999
14. Панкратов А.А.- «Производство говядины на промишленной основе».
15. Переверзов Д.Б. – «Интенсивная технология производство говядины»
16. Дадабоев Ю.- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришида меҳнат мухофазаси. Т. 1990 й.
17. Интернет сайтлари маълумотлари:
 1. agro.uz (илмий мақолалар)
 2. ziyonet.uz (интернет маълумотлари)
 3. google.com (чорвачилик соҳасига оид расмлар)
 4. gov.uz (Республика вазирликларининг маълумотлари)
 5. agrar.uz (ТошДАУ маълумотлари)